5 МАЙ 1991

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 84 (20. 951) 1991 йил 1 май, чоршанба ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

Бугун 1 Май — меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик куни!

ТИНЧЛИК, МЕҲНАТ, ТОТУВЛИК, ДЎСТЛИК!

Советлар мамлакатининг ишчилари! Сизнинг уюшқоқлигингиз, сабр-қаноатингиз, самарали меҳнатингиз — долзарб вазифаларни ҳал этишнинг, мамлакатни тангликдан олиб чиқишнинг асосий кафолотларидир! Халқ хўжалиги вайрон бўлишига йўл қўймаймиз!

(КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг 1 Май Чақириқларидан).

КПСС Марказий Комитети ва Марказий назорат комиссияси қўшма Пленумининг меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик куни—1 Май муносабати билан совет халқига

МУРОЖААТИ

Азиз ўртоқлар!

Юз йил муқаддам, 1891 йилнинг май ойида Петербург ишчилари меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик кунига бағишланган маёвкага чиқдилар. Бу Россияда Биринчи май намойиши эди. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилидан буён шу кун умумхалқ байрами сифатида нишонланмоқда.

Бугунги куннинг қийинчиликлари ва муаммолари қалбимиздаги Биринчи май идеаллари — тинчлик, меҳнат, тотувлик, Ер юзидаги барча халқлар дўстлиги порлоқ идеалларини ҳиралаштирмаслиги керак.

Ҳурматли ватандошлар, сизларга мурожаат қилиб, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликка эришиш йўлида куч-ғайратларни бирлаштиришга даъват этамиз. Заводлар ва фабрикаларнинг тўхтатиб қўйилишига, совет кишиларининг бунёдкорлик меҳнати бузилишига йўл қўймаймиз. Мамлакатнинг келажаги ҳар биримизнинг қўлимиздадир.

Пленум коммунистларни, барча фуқароларни янгиланиш стратегиясининг бош мақсадларига эришиш учун — самарали иқтисодиётни, ҳуқуқий давлатни барпо этиш, халқнинг муносиб турмушини таъминлаш учун жипслашишга чақиради. Азиз ўртоқлар, мамлакатда конституциявий тартибнинг мустаҳкамланиши, халқнинг СССР референдумида ифода этган иродасининг рўёбга чиқиши сизларнинг қатъият билан қилган амалий ва самарали ишингизга боғлиқ.

Бизнинг асосий даъватимиз Совет Иттифоқининг барча меҳнаткашларига қаратилган: сизнинг уюшқоқлигингиз, сабр-бардошлигингиз, унумли меҳнатингиз — энг муҳим вазифаларни ҳал этишнинг, мамлакатни тангликдан олиб чиқишнинг қатъий кафолатидир. Ҳозирги вақтда дўстона мадад ва ўзаро ёрдам ҳар қачонгидан ҳам зарур. Шаҳар қишлоққа, қишлоқ шаҳарга ёрдам берсин. Фақат шундай қилганимиздагина халқнинг ва ҳар бир оиланинг фаровонлигини таъминлаймиз.

Пленум амалда ватанпарварлик мавқеида турган барча сиёсий кучлар ва ҳаракатларга мурожаат қилиб, Ватан учун қийин пайтда унга ёрдам беришни таклиф қилади. Биринчи май меҳнаткаш инсон туб манфаатлари ва орзу-умидлари билан ҳақиқий бирдамликни намойиш қилиш учун ажойиб сабабдир.

Азиз ватандошлар, сизларга мурожаат қилиб, Биринчи май байрамини Иттифоқимизни, мамлакатимиздаги халқлар дўстлиги ва қардошлигини мустаҳкамлаш белгиси остида ўтказишга чақирамиз.

Яшасин Биринчи Май — меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик куни!

ҚОПЛАНМАЙ САҚЛАНАДИ

Фарғонадаги нон-кондитер маҳсулотлари комбинати жамоаси Май байрами арафасида яна бир қулайликка эга бўлди. Бу ерда республикада биринчи бўлиб унни қопламасдан сақлашга мўлжалланган тўқизта механизациялашган омбор-бункер қурилмаси ишга туширилди.

Корхонада илгари унни қоплаш ва юк ортиш ишлари қўлда бажарилар эди. Эндиликда бунга ҳожат қолмади. 40 тоннадан зиёд ун сиғдирувчи омбор-бункерлар ёрдамида маҳсулот Қувадаги тегирмондан ташиб келтирилади.

Тайёр ун махсус қувурлар орқали резервуарлар ичига тортиб олинади. Кейин ҳамир ҳолига келтирилган хом ашё тўрт атмосфера босим остида оҳиста аралаштирилиб, цехларга юборилади.

Қувончлиси, мазкур технологиянинг жорий қилиниши туфайли комбинат ҳар йили 150 минг сўмга яқин маблағни тежаб қолади, ишчи кучи беҳуда сарфланишига чек қўйилади. Ҳозир корхонада қўлланилаётган ушбу технологияни республикадаги барча йирик ун заводлари ва комбинатларида жорий этиш ҳақида тадбирлар белгиланмоқда.

Т. ҲАМИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбири.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросида

29 апрелда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда КПСС Марказий Комитети билан Марказий назорат комиссиясининг 1991 йил апрель қўшма Пленуми якунларини тушунтириш тадбирлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов ахборот берди. Қабул этилган қарорда Марказий Комитетнинг Котибиятига, жойлардаги партия комитетларига СССР Президенти билан тўққиз суверен иттифоқдош жумҳурият раҳбарларининг қўшма баёнотини, Марказий Комитет билан Марказий назорат комиссияси қўшма Пленумининг якунларини, улар қабул этган қарорлар ва ҳужжатларни тушунтириш соҳасидаги ишни кенг миқёсда ташкил этиш, йирик меҳнат жамоаларидаги ижтимоий-сиёсий вазиятни ўрганиш ва айниқса одамларни ижтимоий ҳимоялаш масалаларида вазиятни барқарорлаштириш юзасидан зудлик билан чора-тадбирлар кўриш учун ишчи гуруҳларини тузиш топширилди.

Бюро мажлисида Тошкент вилоят партия комитетининг Ўзбекистон Компартияси ижтимоий-иқтисодий сиёсатини амалга ошириш соҳасидаги иши тўғрисида берган ҳисоботи ҳам тингланди. Муайян ташкилотчилик ва сиёсий иш ўтказилган бўлишига қарамай, вилоят партия комитети ва унинг бюроси ҳали фаол ижтимоий-иқтисодий сиёсатни ўтказишда Ўзбекистон Компартияси XXII съезди ишлаб чиққан янги ёндашувларни ўзига қурол қилиб олмаганлиги таъкидланди. Вилоят партия комитети ва жойлардаги бир қанча партия комитетлари ташаббусни бой бериб қўйганликлари, вужудга келган вазиятга муносиб сиёсий йўлни, аввало халқ депутатлари Советлари орқали сабот билан изчил ўтказиш маҳорати йўқлиги, интизом ва масъулият бўшашиб кетганлиги оқибатида вилоят иқтисодиётидаги ишларнинг аҳволини барқарорлаштириб олишга муваффақ бўлинмади. Саноатда 1990 йилдан бошлаб ишлаб чиқариш пасайиб бормоқда, шартномавий интизомга риоя этиш соҳасидаги вазият мушкуллашди, кўпгина корхоналарнинг хўжалик алоқалари издан чиқди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш комплекс дастурининг топшириқлари тўла ҳажмда ва барча турлар бўйича бажарилмаслиги истеъмол бозорида қўшимча қийинчиликларни вужудга келтирмоқда. Қурилиш комплекси ишни анча ёмонлаштирди. Асосий ишлаб чиқариш фондларини, шунингдек уй-жойлар, мактабларни, мактабгача тарбия ва тиббиёт муассасаларини ишга тушириш юзасидан белгиланган йиллик режа барбод қилинди.

Чакана нархлар ислоҳ қилинганлиги муносабати билан истеъмол молларига ва хизматларга бўлган талаб қондирилмаётган шароитда баъзи раҳбар коммунистлар аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан республикада қабул этилган чора-тадбирларни амалга оширишга етарлича масъулият билан ёндашмадилар. Энг зарур молларни бир меъёрда сотиш устидан ҳамма жойда ҳам дуруст назорат ўрнатилгани йўқ. Порахўрликка, чайқовчиликка, пинҳона иқтисодиёт фирибгарларига қарши ҳужумкор кураш олиб борилмаяпти. Квартираларни, ер участкаларини, автомашиналарни тақсимлашда ижтимоий адолатни бузиш ҳолларига ҳамиша ҳам қатъий баҳо берилмаяпти.

Мураккаб вазиятда вилоят партия комитетининг бюроси рўй бераётган жараёнларни чуқур ўрганмаяпти, сиёсий кучларнинг жойланишини кўпинча билмаяпти, илдамроқ ишлашга ҳаракат қилмаяпти. Советлардаги партия гуруҳлари орқали депутатларга тегишли таъсир ўтказилмаяпти. Сайлаб қўйилган фаоллар билан, бошланғич партия ташкилотлари билан алоқа узилиб қолмоқда. Уларнинг баъзилари иқтисодий фаолиятда қатнашишдан ва ижтимоий масалаларни ҳал қилишдан сезиларли равишда четлашиб қолдилар. Мафкуравий иш долзарб муаммоларни ҳал этишга суст қаратилмоқда. Баъзи мансабдор шахсларнинг феъл-атвори сиёсий жиҳатдан зарарли эканлигига, уларнинг айби билан можароли вазият вужудга келаётганига етарли аҳамият берилмаяпти.

Кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш дастурини амалга ошириш партия комитетларининг эътиборидан четда қолди. Анчагина меҳнат ресурслари иш билан таъминланмаган бир пайтда саноат корхоналарида ва қурилишда кўпгина жой бўш турибди. Юқори малакали ишчилар ва мутахассислар кооперативларга ўтиб кетмоқдалар. Баъзан тижорат банкларини, акциячилар жамиятларини, қўшма корхоналарни барпо этиш ва уларнинг фаолияти назорат қилинмаяпти.

Қабул этилган қарорда Марказий Комитет Бюроси вилоятнинг раҳбар коммунистлари диққат-эътиборини ишдаги жиддий камчиликларга қаратди ҳамда вилоят комитети бюросидан ва котибларидан бу камчиликларни тугатиш юзасидан зудлик билан, аниқ-равшан чора-тадбирлар кўришни талаб қилди. Вилоят партия комитетига шаҳар ва район комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари билан биргаликда, коммунистлар ва жамоатчиликнинг иштироки билан Ўзбекистон Компартияси XXII съезди қарорларини бажариш юзасидан ўтказилаётган ишни таҳлил этиб чиқиш ва жумҳурият Компартияси Ҳаракат дастурини амалга ошириш юзасидан ишлаб чиқилган ташкилий-сиёсий тадбирлар режаларига зарур тузатишларни киритиш топширилди.

Бюро мажлисида ижтимоий-сиёсий тусдаги бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

НАМОЙИШ БЎЛАДИ

Биринчи Май намойиши бўлади, — деди касаба уюшмалари Москва федерациясининг раиси М. Шмаков 29 апрель куни журналистлар билан суҳбатда. Унинг фикрича, Қизил майдонда бўладиган митингда 50 мингга яқин одам қатнашади. СССР Президенти М. С. Горбачев, СССР Олий Кенгашининг Раиси А. И. Лукьянов, РСФСР Олий Кенгашининг Раиси Б. Н. Ельцин ва Москва Советининг раиси Г. Х. Попов меҳмон сифатида таклиф этилди. Намойиш «Бирлик, бирдамлик, меҳнаткаш инсон ҳуқуқлари» шиори остида ўтади.

Касаба уюшмаларининг митинг-намойиш ўтказиш ташкилот комитети 25 апрелда Москва шаҳар ижроия комитети «Москва олий ўқув юртлари талабалари касаба уюшмаси ташкилотлари бирлашмасининг Совет майдонида илгари рухсат этилган митингни ўтказишни тақиқлаб қўйгани учун» унга норозилик билдирди. М. Шмаков Москва шаҳар ижроия комитетининг бу ҳаракати касаба уюшмаларининг қонуний ҳуқуқларини қўпол равишда бузишдир, бинобарин пойтахтдаги вазиятни анча кескинлаштиради, деди.

А. ПАЛАРИЯ,
ТАСС мухбири.
МОСКВА.

СССР Президенти матбуот шўъбасининг ахбороти

«Коммерсант» рўзномасининг 23 апрель куни М. С. Горбачевнинг 9 та иттифоқдош жумҳурият раҳбарлари билан учрашувида гўё «махсус махфий меморандум» имзоланди, деган хабари ҳақиқатга тўғри келмайди.

Учрашувда кўпгина масалалар муҳокама қилинди. Шу муҳокама якунлари матбуотда эълон қилинган қўшма баёнотда тўла акс этган. Бошқа ҳеч қандай ҳужжатлар имзолангани йўқ.

СССР Президентининг матбуот шўъбаси.

КПСС Марказий Комитети билан Марказий назорат комиссияси қўшма Пленумининг «Мамлакатдаги аҳвол ва иқтисодиётни тангликдан чиқариб олиш йўллари тўғрисида»ги қарори

I.

КПСС Марказий Комитети билан Марказий Назорат комиссиясининг қўшма Пленуми шуни қайд этадики, мамлакатдаги воқеаларнинг ривожи совет халқининг, Иттифоқнинг, социализмнинг тақдири учун бениҳоя хавфли, таҳликали тус олмоқда. Мамлакатда мисли кўрилмаган «қонунлар уруши» авж олиб кетди, кўп йиллик хўжалик алоқалари бузилиб бормоқда, молиявий система издан чиққанлиги кўриниб турибди. Аҳолининг турмуш даражаси кескин пасайиб бормоқда. Одамлар эртанги кунга ишонмай, ғазабга келмоқдалар. Халқнинг марказ сиёсатига ҳам, шунингдек, жойлардаги ҳокимият идораларига ҳам ишончи камайиб бормоқда. Вазият ижтимоий портлаш хавфи остида турибди.

Пленум қатнашчилари ҳисоблайдиларки, жамиятдаги мана шу салбий ҳодисаларнинг сабаблари ўтмиш сарқитларига, мамлакат ҳал этаётган вазифаларнинг мураккаблиги ва кўп қирралилигига ҳам, шунингдек шу вазифаларни амалга ошириш чоғида йўл қўйилган хаталарга ҳам бориб тақалади. Сиёсий жараёнларнинг зиддиятли ривожланиши ижтимоий-иқтисодий ўзгартишларнинг боришига беқарорлаштирувчи таъсир ўтказмоқда. Миллий можароларга олиб келган миллатчилик ва айирмачилик кўринишларига ўз вақтида баҳо берилмади.

Коммунистлар орасида КПССдаги аҳволдан қониқмаслик кайфияти кучаймоқда, партиянинг раҳбар органлари олдига қатъийроқ ҳаракат қилиш ва партия ташкилотларининг иштироки билан КПСС XXVIII съезди сиёсий йўналишини амалга ошириш йўллари ҳамда воситаларини белгилаб олиш, иқтисодиётдаги тангликни бартараф этиш юзасидан самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳақида асосли талаблар қўйилмоқда.

Ғайрисоциалистик кучларнинг парламентдан ташқаридаги кураш усулларига тобора фаол зўр бераётганликлари — ҳозирги пайтнинг ўзига хос хусусиятидир. Улар қийинчиликлардан ва одамларнинг норозилигидан фойдаланиб, уларни сиёсий шиорлар остида иш ташлашларга ва очлик эълон қилишларга, қонуний равишда сайлаб қўйилган ҳокимият идораларига қарши ғайриконституциявий ҳатти-ҳаракатларга ундамоқдалар. Армия, давлат хавфсизлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари аниқ мақсадни кўзлаб бадном қилинмоқда.

Жамиятда консерватив кайфиятлар, маъмуриятчилик буйруқбозлик тизимини қайта тиклаш муддаолари борлигини ҳам эътиборга олмасдан бўлмайди.

Марказий Комитет билан Марказий назорат комиссиясининг Пленуми СССР Президенти ва тўққиз иттифоқдош республика раҳбарларининг мамлакатдаги аҳволни барқарорлаштириш ва тангликни бартараф этишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисидаги қўшма баёнотини қўллаб-қувватлайди. Биз барча поғоналардаги Советларга, ҳамма сиёсий ва ижтимоий кучларга мурожаат этиб, мазкур келишиб олинган стратегияни изчиллик билан амалга ошириш учун ўз ваколатлари ва нуфузидан фойдаланишга қатъий даъват этамиз. Биз Арманистон, Грузия, Латвия, Литва, Молдова, Эстония коммунистларига, барча фуқароларига мурожаат қилиб, ижтимоий-сиёсий вазиятни соғломлаштириш ва иқтисодий тангликдан чиқиб олиш мақсадини кўзлайдиган ялпи ҳаракатга қўшилишни таклиф қиламиз. Биз мазкур республикаларнинг ҳокимият органларини ССР Иттифоқидан чиқишнинг эҳтимол тутилган ҳамма оқибатларини салмоқлаб кўришга чақирамиз.

Мамлакат тақдирини, одамларнинг шон-шарафи ва қадр-қимматини, ҳар бир хонадондаги омон-эсонликни азиз билувчи ҳамма кишиларнинг зўр ғайрат билан биргаликда ҳаракат қиладиган вақти келди. Вужудга келган вазият ижтимоий тотувлик, фуқаролар тинчлигига эришиш, мухолифликдан ва сиёсий манфаатпарастликлардан воз кечиш йўлларини излаш заруратини тақозо этмоқда.

II.

1. КПСС Марказий Комитети билан Марказий назорат комиссиясининг қўшма Пленуми жамиятни янгилаш, социалистик йўл доирасида демократик қадриятларни ва ижтимоий адолатни қарор топтириш йўли бўлмиш қайта қуришга партиянинг содиқлигини тасдиқлайди.

Пленум шуни таъкидлайдики, хавф солиб турган фалокатнинг олдини олиш мақсадида:

— Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини сақлаб қолиш тўғрисидаги умумхалқ референдумининг натижалари асосида Иттифоқ шартномасини имзолаш;

— мамлакатда конституциявий тартиб ва қонунийликни тиклаш;

— СССР Президенти Иттифоқ ва республикаларнинг давлат ҳокимияти Олий органлари, халқ депутатлари маҳаллий Советлари мамлакатни тангликдан чиқариб олиш учун ҳамма ваколатларидан зўр ғайрат билан фойдаланишлари ҳаётий заруратдир.

2. Пленум партия ташкилотларини конституциявий меъёрлар доирасида ва республикаларнинг суверенитетини эътиборга олиб, ССР Иттифоқининг бирлигини бузаётган, бир қанча ҳолларда республика даражасида маъмуриятчилик - буйруқбозлик, ҳатто тоталитар тузилмаларни ҳам қайта тиклаётган барча кучларга қарши қатъий ҳаракат қилишга чақиради.

Пленум барча ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар ва партиялар билан ошкора муносабат ва сиёсий мулоқот зарурлигини тан олиб, давлат тузилмалари қурилиши ва фаолиятини ўзгартириш муаммолари халқ қонуний равишда сайлаб қўйган ҳокимият идоралари томонидан ва амалдаги ҳуқуқий меъёрларда белгилаб қўйилган тартибда муҳокама қилиниши лозим, деб ҳисоблайди.

III.

1. КПСС Марказий Комитети билан Марказий назорат комиссиясининг қўшма Пленуми СССР Вазирлар Маҳкамасининг иқтисодиётни тангликдан чиқариб олиш соҳасидаги куч-ғайратларини қўллаб-қувватлайди ва СССР Бош вазири ўртоқ В. С. Павловнинг маърузасида баён этилган ҳукуматнинг тангликка қарши ҳаракатлари асосий йўналишлари экономиканинг бошқарилишини тиклашга ва халқ хўжалигини барқарорлаштиришга қаратилган бўлиб, бозор муносабатларига ўтиш учун шароит яратади, деб ҳисоблайди.

Шу билан бирга Пленум ҳукматнинг тангликка қарши дастурини меҳнаткашларнинг манфаатларига кўпроқ мувофиқлаштириш мақсадида уни такомиллаштириш кераклигини, режалаштирилаётган чора-тадбирларни рўёбга чиқариш воситасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозимлигини таъкидлайди. Аҳолининг турмуш даражаси пасайишини тўхтатиб қолиш, аҳолининг, аввало тайинлаб қўйилган даромадларга яшайдиган кишилар, кўп болали оилалар ижтимоий жиҳатдан ҳимояланишини таъминлаш учун имкони бўлган ҳамма чораларни кўриш зарур. Иш билан таъминлаш, уй-жой, истеъмол бозорини нормаллаштириш муаммолари сабот билан ҳал қилиниши керак.

Пленум СССР Вазирлар Маҳкамаси республикаларнинг ҳукуматлари билан биргаликда бошланган чакана нархлар ислоҳотини ҳеч кечиктирмай якунласин ва вазият тақозо этган тузатишларни унга киритсин, деб талаб қилади. Бунда талабаларнинг, мактаб ўқувчиларининг буфет ҳамда ошхо-

(Давоми иккинчи бетда).

• Арманистондан хат

ҚАРДОШЛИК БУРЧИ

Бундан уч йил муқаддам Арман элидан ташвишли хабар келганда, мамлакатдаги кўпчилик ҳамкасбларимиз қатори биз — ўзбек қурувчилари ҳам йўлга отландик. Арманистон республикаси Гукасян районига келиб, зилзила туфайли бошпанасиз қолган аҳолига уй-жой ва бошқа маданий-маиший объектлар қуриб беришга киришдик.

Ғапнинг рости, даставвал бироз қийналдик. Чунки ўша кезлари — декабрь ойининг охири — об-ҳаво совуқ, аҳвол ўта оғир эди. Бунинг устига қаерда нима қуриш ҳақида аниқ режа, бирон-бир лойиҳа ҳам йўқ эди. Лекин «Кўпдан қуён қочиб қутилмас», деганларидек, амалга оширилажак тадбирларимизни тезда белгилаб олдик. Секин-аста иқлимий шароитга ҳам мослашиб кетдик.

Мақтаниш эмасу, бизнинг қурувчиларимиз бўш келишмади. Улар бошқа республикалардан келган ҳамкасблари қаторида харобага айланган арман қишлоқларини қайтадан тиклашга, уй-жойлар, мактаб ва болалар боғчалари, маданий-маиший объектлар барпо этишишига муносиб ҳисса қўшдилар.

Ўтган давр мобайнида биз бир неча объектларни фойдаланишга топширдик. Жумладан, Арпени жамоа хўжалигида 52 та уй ва замонавий мактаб биноси, Торосгюк колхозида 48 та уй ва турли маиший объектларни қуриб бердик. Ҳозир Гогоут жамоа хўжалигида аҳоли учун 52 та икки қаватли уй-жой ва мактаб биноларини барпо этяпмиз.

Умуман, йил охиригача яна ҳар бир хўжаликда 80 ўринли болалар боғчалари, 200 ўринли клублар қуришни мўлжаллаб турибмиз. Албатта, бу — юкланган вазифага масъулият билан ёндашиш, ўзаро ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилишни талаб этади. Қурувчиларимиздан дурадгор Омон Сулаймонов, пардозловчи Каршибой Бердибоев ва тош йўнувчи Баҳодир Эгамовларни арман қурувчилари ҳам ҳурмат билан тилга олишади.

Тўғриси, мен буларни Май байрами куни таъкидлаётганимнинг боиси бор. Май — тинчлик, дўстлик ва бирдамлик байрами. Мамлакат иқтисодиёти танг аҳволга тушиб қолган ҳозирги вазиятда, биз, барча халқлар вакиллари қўлни қўлга бериб ҳамжиҳат ишлашимиз, қардошлик бурчига содиқ қолишимиз зарур. Зеро, биргалашиб ҳаракат қилсаккина муаммоларимизни тезроқ бартараф этишимиз мумкин.

Р. ДАВРОНОВ,
қурувчи,
Арманистон ССР Гукасян районы.

Суратда: Наманган вилоятидаги Косонсой шойи тўқиш фабрикаси лаборантлари Б. Пўлатова билан М. Боймуротова корхонада тайёрлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сифатини кўздан кечиришмоқда. Дарҳақиқат бу ерда кейинги вақтда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати ҳамда хиллари кўпайди. Айниқса, янгидан тайёрлаш ўзлаштирилган сочиқлар ва чойшабларга харидорлар қизиқиб қолишди.

— Корхоналараро алоқалар бузилмоқда, деган гаплар тез-тез эшитиладиган бўлиб қолди, — дейди фабрика директори, Ўзбекистон ССР халқ депутати Файзулла Акромов. — Рости, бизда бундай қийинчилик йўқ. Фабрикамиз турдош корхоналар билан тажриба алмашиш, кадрлар тайёрлаш алоқаларини бемалол олиб бормоқда. Ўзбекистондагина эмас, Украина, Болтиқбўйи республикалари, Россия Федерацияси, Тожикистон, Қирғизистон билан алоқаларимиздан мамнунмиз.

А. КОВТУН (ЎзТАГ) олган сурат.

• *Ҳеч ким, ҳеч нарса унутилмайди*

ЁДГОРЛИК ЎРНАТИЛАДИ

Каттақўрғон шаҳридан Афғонистонда жанг қилган йигитлардан беш киши қайтмади. Тўғри, марҳумларнинг оиналарига имтиёзлар белгиланган, шаҳид кетган йигитларнинг номлари мактаб, кўчаларга қўйилган. Шаҳар комсомол қўмитаси ва байналмилалчи-жангчилар кенгаши Каттақўрғоннинг марказий майдонларидан бирида афғон уруши қурбонлари хотирасига ёдгорлик ўрнатишга қарор қилди. Шу мақсад учун маблағ жамғарилаётир. Шаҳарда ёшлар спорт буюм- лотереяси ўйинлари ҳам уюштирилди. Бундан тушган пулнинг асосий қисми, қарийб ўн минг сўми байналмилалчи-жангчилар хотирасига ўрнатиладиган ёдгорлик жамғармаси ҳисобига ўтказилди.

А. ҲОШИМОВ,
Каттақўрғон районы.

АХБОРОТ

● ҚАРДОШЛИК НАВОИЙ НОМИ БЕРИЛДИ

Мутафаккир шоир Алишер Навоий таваллуди Тожикистон шаҳар, қишлоқларида ҳам муносиб нишонланмоқда.

Давлат ва жамоа хўжаликлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, меҳнат жамоаларида шоирнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган йиғилишлар, адабий кечалар, мушоиралар ўтказилмоқда. Қўрғонтепа вилоятининг Панж ноҳиясидаги Мирзоянц номли давлат хўжалигида ҳам ана шундай хайрли тадбир бўлиб ўтди. Жамоа аҳли хўжаликка Алишер Навоий номини беришни таклиф қилди. Таклиф бир овоздан қувватланди.

Ҳ. БЕРДИҚУЛОВ.

● КЎПНИ КЎРГАНЛАР ТАБАРРУК БОБО

Қамаши ноҳиясидаги Гагарин номли давлат хўжалигининг Гулистон қишлоғида истиқомат қилаётган Жума бобо 101 баҳорни қаршилади.

Отахон ҳали дадил, бир-икки чақирим жойга, тўй-маъракаларга бемалол бориб келади. Жума бобонинг 10 қизи, 6 ўғли бўлиб, 100 дан ортиқ невара, 150 нафар чевараси бор. Отахон жамоа раҳбарларидан миннатдор. Чунки, унга моддий ёрдам кўрсатилиб, ойига 100 сўмдан нафақа тўланмоқда. Аср тенгдоши ўз даврида қарийб 34 йил колхозга раислик қилган. Отахоннинг муборак ёшини ҳамқишлоқлари кувонч билан нишонлашмоқда.

Халқимиз ёши улуғларни табаррук одамлар, деб эъзозлашади. Наманган ноҳиясидаги Каттатошбулоқ қишлоғида яшаётган Муҳаммадқосим Соҳибназаров ҳам пиру бадавлатларимиздан. Саховатпеша бу отахон яқинда 2-махсус болалар боғчаси тарбияланувчиларига йиғиб қўйган сармоясидан 200 сўмни ҳайрия қилди.

Т. ЛАТИПОВ,
А. ХОЛМИРЗАЕВ.

• *Долзарб мавзуда суҳбат*

Эл-юрт назарига тушиб, унинг ҳурмат ва олқишига, ишончига сазовор бўлиш катта бахт. Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент тўқимачилик комбинати директори Ботир Қодирович Эргашев ана шундай бахт соҳиби. У 46-Тўқимачилик сайлов округидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига сайланган. Мухбиримиз М. МИРЗАМУҲАМЕДОВАнинг Ботир Қодирович билан суҳбати мавзуси унинг депутатлик юмушларига бағишланган.

ЭЛ ДАРДИ — МЕНИНГ ДАРДИМ

— Ботир Қодирович, депутат сифатида, халқнинг ҳокимиятдаги мухтор вакили сифатида сизни кўпроқ нималар ўйлантиради ва тўлқинлантиради?

— Аввало, шуни айтишим керакки, мен депутатларнинг фаолияти фақат сессияларда қатнашиш, у ёки бу масала юзасидан қабул қилинадиган қарорларга овоз бериш билан чекланади деган тасаввурда эдим. Эндиликда, менинг фикрим бу ҳақда бутунлай ўзгарди. Аввало корхона раҳбарлари ўз малакалари, тажрибалари, дахлдорликлари билан давлатнинг, жумҳуриятнинг олий органи ишида энг фаол қатнашиши зарур экан. Чунки қайта қуришнинг асосий мақсади халқимиз турмуш шароитини яхшилашдан иборат. Бунга эса фақат пухта ўйланган иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш йўли билан эришиш мумкин. Самарали иқтисодий ислоҳотларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш эса фақат бунга дахлдор, ишлаб чиқаришни, иқтисодни яхши биладиган, илгари мавжуд бўлган, тараққиётимизга халақит берадиган қонун-қоидалар, турли кўрсатмалар, буйруқбозликлар азобларини ўз бошидан ўтказган кишилар қўлидан келади.

Хўжалик раҳбарлари кундалик ишларида ҳар куни омма билан мулоқотда бўладилар. Ва деярли ҳар куни техникавий-иқтисодий, ижтимоий-маиший муаммоларга дуч келадилар ва улар бу муаммоларни тезроқ ҳал этиш йўллари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларига эгадирлар.

— Сайлов арафасида сайловолди дастурингизда қандай масалалар асос қилиб олинган?

— Ҳа, албатта барча номзодлар каби мен ҳам ўз дастуримга эга эдим. Албатта ҳар бир депутат сиёсатга аралашиши, ижтимоий масалаларда ўз сайловчиларига ёрдам бериши, муҳтожларга ғамхўрлик кўрсатиши, табиат муҳофазасида қатнашиши керак. Чунки жумҳуриятнинг мумтоз табиатини қайта тиклаш, келгуси авлодлар учун омон сақлаб қолиш халқ депутатларининг ҳам асосий бурчларидан биридир.

Дастуримнинг асосий қисми иқтисод масалаларидан иборат. Чунки 30 йилдан буён ҳаётим ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлди. Оддий слесарликдан мастер ёрдамчиси, цех бошлиғи даражасига етдим. Фабрика бош инженери вазифасида ишладим. Кейинчалик 10 йил «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасига директор бўлдим. 7 йилдан буён комбинат бош директориман. Бутун ҳаётим ишчилар билан, уларнинг фикр-ўйларига шерик бўлиш билан ўтди. Уларнинг кувонч ва ташвишларини, турмушларини, ҳаёт тарзларини яхши биламан. Шунинг учун ҳам дастуримда ишчи-хизматчилар оғирини енгил қилиш, меҳнаткаш халқимиз фаровонлигини оширишни мақсад қилиб қўйганман.

— Албатта халқ хўжалигининг барча соҳаларида бўлгани каби ҳар бир корхонанинг ҳам ўз муаммолари, ҳал этишни кечиктириб бўлмайдиган долзарб масалалари мавжуд. Сиз ўз корхонангиздаги қандай муаммоларни долзарб ҳисоблайсиз. Уларни қандай ҳал этиш мумкин?

— Ўз корхонамиздаги муаммоларга тўхталадиган бўлсам, улар фақат бизнинг корхонамиздагина мавжуд бўлмай, бошқа жамоаларга ҳам хосдир. Мен бу муаммоларнинг асосийларини тилга олмоқчиман. Техникавий қалоқлик, ишчиларга тегишли меҳнат шароити яратилмаганлиги, айниқса турли хил ишга кўмаклашмайдиган қонун-қоидалар, кўрсатмаларнинг мавжудлиги меҳнат жамоалари, корхоналар ўз-ўзини маблағ билан таъминлаши, хўжалик ҳисобининг иқтисодий воситаларини ишга солишига халақит беради. Айниқса меҳнатга ҳақ тўлашнинг мавжуд тартиби такомиллашмаганлигини таъкидламоқчиман.

Меҳнат фаолиятим даврида шундай хулосага келдимки, ҳар бир ишчига у ёки бу маҳсулотни тайёрлаш учун сарфлаган меҳнатига яраша иш ҳақи тўлашга эришмас эканмиз, мамлакат иқтисодида туб ўзгаришга эришиш қийин.

Техникавий сиёсатда машинасозларимиз қачон янги технологияни ишлаб чиқаришни ўзлаштиришини кутиб ўтириш шарт эмас. Ўзимиз ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг бир қисмини ўзимиз сотишимиз ва бу маблағга асбоб-ускуна харид қилишимиз мумкин эмасми? Биз ҳозир шундай қиляпмиз. Натижада иккинчи йигирув-тўқув фабрикасини, 3-йигирув ишлаб чиқаришини техника билан қайта қуроллантиришга, пардозлаш фабрикасини қайта қуришни давом эттиришга эришдик. Корхона учун чет элдан энг замонавий асбоб-ускуналар сотиб олдик. Совутиш станцияси ишга туширилди. Ёз ойларида ишчилар бемалол меҳнат қилишларига тегишли шароит яратилди. Маҳсулотнинг бир қисмини чет элга валютага сотяпмиз. Ҳозирги кунда Франция, Австрия, Покистон каби мамлакатлар ҳам бизнинг истеъмолчиларимиз қаторига қўшилишди. Улар билан ҳам ўзаро фойдали иқтисодий алоқалар кенгаймоқда. Бу эса биздаги техника соҳасидаги қолоқликни бартараф этиш имкониятини тўғдиради. Ахир алмисоқдан қолган мокили дастгоҳлар, тўкилиб турган пардозлаш ускуналарида ишлаб, дурустроқ натижага эришиб бўладими? Шунинг учун бу масаланинг ҳал этилиши техникавий қайта қуролланиш, хизмат қилиш учун қулай автоматикага эга бўлган техникани зудлик билан жорий этишга бевосита боғлиқ. Шунингдек, ишлаб чиқаришни қайта таъмирлаш, ишчилар учун тегишли меҳнат шароити яратишга ҳам имкон беради.

Иқтисодий ислоҳот масаласида ҳам маълум ижобий ўзгаришлар нишоналари сезиляпти. 1987 йилдан комбинат ишлаб чиқариши хўжалик ҳисобига ўтган. Ўтган вақт ичида корхонанинг молиявий аҳволи бирмунча яхшиланди. Жамоамиз фойда кўриш имкониятига эга бўлди. Натижада кўпгина ижтимоий-маиший муаммолар ҳал этила бошланди. Иш ҳақини такомиллаштиришга эришиш асосий вазифалардан бири деб ҳисоблайман. Ҳар бир ишчи меҳнатига яраша иш ҳаки олиши даркор. Шундагина кадрлар қўнимсизлигига барҳам берилади. Ўз-ўзидан юқори меҳнат унумдорлигига эришилади. Тайёрланаётган маҳсулот сифати ошади. Бундан ўз навбатида корхона ҳам, ишчи ҳам манфаатдор бўлади.

Чунки, ҳаётнинг асосий мазмуни кўп жиҳатдан иқтисодга боғлиқ. Одамлар яхши уйда яшаса, иш жойларида иш шароити яхши бўлса, яхши ойлик олса, озиқ-овқат, кийим-кечак билан етарли таъминланса, шундагина фикри-зикри ҳам тиниқ, сиёсатга муносабати ҳам бошқача бўлади.

Депутат бўлиб сайланганимдан бошлаб менда сайловчилар олдидаги масъулият ҳисси пайдо бўлди. Мени ўйлантирган, мен ҳал қилишга интилган вазифаларни ҳал этиш имкониятларига ҳам эга бўлдим. Депутат сифатида билдирган таклиф ва мулоҳазаларимга юқори ташкилотлар ҳам эътибор билан қарайдиган ва қулоқ тутадиган бўлишди.

Чунончи, ойлик масаласини олайлик. Халқимиз қанча меҳнат қилмасин, барибир кам ойлик олади. Мамлакатимизда олинган даромаднинг 10—15 фоизи миқдорида маош тўланади. Ойликни ошириш мақсадида корхонамиз ижара пудратига ўтказилди. Бунинг дастлабки самаралари кўзга ташланмоқда. Ишчи-хизматчиларимиз даромади 17 фоиз ошди. Тўқувчилар, ип йигирувчиларнинг энг кам ойлиги 300 сўм. Илғор ишчиларнинг ойлиги эса 500 сўмгача етмоқда. Пардозлаш фабрикасида эса оддий ишчининг маоши 1000 сўмга боради.

Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида бу маош ҳам камлик қилади. Ўртача ойлик комбинатда камида 400 сўм бўлишига эришишимиз керак. Шу кунлардаги фикр-ўйимиз ва ҳаракатларимиз ана шунга қаратилган. Жамоамиз кўраётган фойдадан ишчи ва хизматчиларга иш ҳаки тўлашга қарор қилдик. Бундан ташқари давлат ажратган 60 сўмлик компенсацияга қўшимча ҳар ишчига 1 сўмдан тушлик пули тўламоқдамиз. Бу мақсадларга ҳаммаси бўлиб бир йилда 3 ярим миллион сўм ажратилади.

Машҳура Мирзамуҳамедова 1958 йили Тошкент Давлат дорилфунунининг филология куллиётини битирган. У 1963 йилдан буён «Совет Ўзбекистони» рўзномаси муҳарририятида совет қурилиши бўлимида хизмат қилиб келмоқда.

Ҳамкасбимиз ўзининг қатор мақолаларида шу куннинг долзарб мавзуларини қаламга олиб, муштарийлар ҳурматини қозониб келаётир.

Комбинатдаги дўконларда сотиладиган озиқ-овқат маҳсулотларига 16 фоиз устама нарх қўйиларди. Бу ҳам бекор қилиниб, даромаддан унинг ўрнини қоплаш учун 1,5 миллион сўм маблағ ажратилди. Биринчилардан бўлиб кооператив уйларни корхонамиз сотиб олиб, ишчиларга бепул беришга қарор қилди. 36 квартирали кооператив уй сотиб олиниб ишчиларга берилди. Бундан ташқари шахсий уй солувчиларга ссуданинг — давлат томонидан берилган қарзнинг 30 фоизини жамоамиз тўлайдиган бўлди. Шу кунгача 15 га яқин кишига шундай ёрдам кўрсатилди.

Бу йил 46 миллион сўмлик қурилиш ишларини бажариш кўзда тутилган. Бу эса янги техника ва технологияни ўзлаштириш имконини беради. Ишчиларнинг меҳнат шароитини яхшилайди.

— Депутат сифатида округ ҳудудидаги хотин-қизларга қандай ғамхўрлик кўрсатмоқдасиз?

— Албатта, ҳар бир депутат ўз сайловчилари ҳақида қайғуриши, уларнинг қувонч ва ташвишларига шерик бўлиши, ҳар бир сайловчи қалбига йўл топиши керак. Районимиз ҳудудида кўпгина аёллар ижтимоий-фойдали меҳнатдан четда эдилар. Уларни ишга жалб этиш мақсадида учта кичик корхона ташкил этилди. Бу эса мингга яқин аёллар учун ўз оилавий юмушларидан узилмаган ҳолда ишлаб чиқаришда қатнашиш имкониятини яратди. Улар уйларига иш олиб кетадилар. Естиқ жилди, чойшаб, кўрпа ғилофлари тикишади. Арғамчига қил қувват дейишганидек, касаначилар 200—300 сўм атрофида иш ҳақи олишяпти. Бу эса уларнинг оилавий бюджетларига маълум даражада ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Бундан ташқари комбинатда уч ва ундан ортиқ болали оналарга биринчи-иккинчи смеаналарда қисқартирилган тўрт соатлик иш кунлари жорий этилди. Улар кунига 10 сўм миқдорида иш ҳақи олишади.

— Сайловчилар билан алоқа қилишнинг қандай усулларидан фойдаланяпсиз?

— Фрунзе район ижроқоми биносида ва комбинатимизда сайловчиларни қабул қилиш учун махсус жой ажратилган. Ҳар ойда уларни қабул қиламан. Сайловчилар билан узлуксиз алоқани таъминлаш мақсадида мададкор гуруҳ билан ҳамкорликда жамоатчилик кенгаши тузилган. Хизматчилардан, Наримон Турсунов ва Антонина Никитцева ана шу жамоатчилик кенгаши аъзоларидир. Қабул кунларим ҳақида сайловчиларга алоҳида варақа ҳам тарқатганмиз. Унда қабул соатлари ва кунлари, телефонлардан тортиб, манзилгоҳларимизгача аниқ кўрсатилган.

Депутат бўлганимдан буён комбинат ишчилари ва шаҳар аҳолисидан қирқта ариза ва шикоят тушди. Уларнинг кўпчилиги уй-жой масаласи, квартираларни таъмирлаш, маҳаллалардаги болалар майдончаларини тартибга келтириш ва қуриш, Абдулла Қаҳҳор маҳалласига канализация тармоғи ўтказиш, Яккасарой маҳалла қўмитасига бино ажратиш, телефонлаштириш ва бошқа масалалардир. Ана шу масалаларни ҳал этиш учун шаҳардаги турли ташкилотларга депутат сўровлари юборилди.

Ўтган йил декабрь ойида сайловчилар билан бўлган учрашувда Тўқимачилик техникуми ва ўқув комбинати биносини Тўқимачилик ва енгил саноат институти қарамоғига бериш тўғрисида таклиф киритилган эди. Бу масала ҳал этилиб, институт билан шартнома имзоланди. Саноат, халқ истеъмоли моллари, аҳолига маиший ва савдо хизмати қўмитаси ишида қатнашиб, қатор қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда иштирок этдим. Ўзбекистон ССРда кооперация, ер солиғи тўғрисида, жамоат бирлашмалари, корхоналар тўғрисида, Ўзбекистон ССРда тадбиркорлик тўғрисида қабул қилинган қонунлар ана шулар жумласидандир.

— Навбатдаги режаларингиз нималардан иборат?

— Ҳозирги кунда бозор иқтисодиётига ўтиш, чакана нархлар ислоҳ қилиниши муносабати билан бутун мамлакатимизда бўлгани каби жумҳуриятимизда ҳам жиддий танглик юзага келди. Халқимиз туб иқтисодий ўзгаришларни сабрсизлик билан кутмоқда. Шунинг учун қуруқ ваъдалар, сафсатабозликларга чек қўйиб, амалий ишларга ўтиш пайти келди.

Жумҳуриятимизда иқтисодий-сиёсий, ижтимоий, маънавий жабҳаларда жиддий ўзгаришлар даври бошланди. Энг муҳими, республикамиз раҳбарияти халқ учун қайишмоқда, барчамизни халққа сидқидилдан хизмат қилишга чорлаяпти ва бунда ўзи бошқаларга намуна бўляпти. Ана шундай пайтда биз бир ёқадан бош чиқариб, республика раҳбарияти кўзлаётган мақсадларни рўёбга чиқаришда уларга мададкор бўлишимиз керак.

Мен ҳам ҳокимиятнинг олий органидаги халқ вакили сифатида сайловчилар таклиф ва мулоҳазаларини, уларнинг истакларини имконият даражасида бажаришга, меҳнат аҳлининг ижтимоий ҳимояланишига эришиш ниятидаман.

— Ботир Қодирович, мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат. Меҳнаткашлар орзу-умидларини рўёбга чиқариш, сайловчилар ишончини оқлаш йўлидаги ҳайрли ишларингизда муваффақиятлар тилайман.

КПСС Марказий Комитети билан Марказий назорат комиссияси қўшма Пленумининг «Мамлакатдаги аҳвол ва иқтисодиётни тангликдан чиқариб олиш йўллари тўғрисида»ги қарори

(Давоми. Боши биринчи бетда).

наларида овқатлар қимматлашганлиги учун компенсация тўлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирларни амалга оширишга, болаларга аталган молларнинг қарахларини, шунингдек темир йўл ва ҳаво транспортида юришнинг янги тарифларини камайтиришга, ижтимоий аҳамиятга молик молларни сотишдан олинаётган 5 фоизли солиқни бекор қилишга, аҳоли даромадларини индекслашни жорий қилишга алоҳида эътибор берилсин.

2. Пленум қатнашчилари ишлаб чиқаришнинг пасайишини бартараф этиш ва унинг ҳажмларини ошириш, меҳнат интизомини таъминлаш, товар ишлаб чиқарувчиларга эрк бериш, меҳнат жамоалари учун таъсирчан моддий рағбатлантириш омилларини яратиш асосида тангликдан чиқиб олиш мумкин, деган қатъий фикрни изҳор этадилар. Бозор муносабатларига аниқ тартибга солиш тусида ўтилиши, бунда жамиятнинг чуқур мулкий табақаланишини истисно қилиш, меҳнаткашларнинг ижтимоий ғалабалари тугатилишига йўл қўймаслик лозим. Нарх-навони либераллаштириш, мулкни давлат ихтиёридан чиқариш ва хусусийлаштириш, мамлакатга ажнабий сармояни жалб этиш масалалари эҳтиёт чораларини назарда тутиб, сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан пухта ўйлаб қўйилиши зарур.

Пленум мулкни давлат ихтиёридан чиқариш жараёни қонун билан тартибга солиш доирасида меҳнат жамоалари ва касаба уюшмалари ташкилотларининг кенг иштирокида ўтказилиши лозим, деб ҳисоблайди. Қонун билан тартибга солинмаган, тийиқсиз хусусийлаштиришни дарҳол тўхтатиб, илгари қонун меъёрларига зид равишда пала-партиш қабул қилинган қарорлар қайта кўриб чиқилиши зарур. Партия комитетлари меҳнат жамоаларининг хўжалик ташаббуси соҳасидаги ўз ҳуқуқларини ижара орқали амалга оширишларида, жамоа ва халқ корхоналарини барпо этишларида ёрдам берсинлар.

3. Пленум мамлакатнинг ягона давлат бюджет-молия ва банк системаларини тиклаш ва мустаҳкамлашга, ташқи иқтисодий фаолият устидан давлатнинг қаттиқ назоратини ўрнатишга қаратилган тангликка қарши фавқулодда тусдаги чора-тадбирлар дарҳол амалга оширилиши зарур, деб ҳисоблайди.

Тармоқ стратегик дастурларини режалаштириш системасини вужудга келтириш, хўжалик алоқаларини барқарорлаштириш, ресурсларни сармоя сарфлаш дастурларини қисқартириш ва мудофаа ишлаб чиқаришини конверсиялаш асосида истеъмол соҳасининг тармоқлари фойдасига қайта гуруҳлаш, иқтисодий масалалар ва озиқ-овқат таъминоти юзасидан тузилган битимларнинг қатъий бажарилишини таъминлаш, пулнинг қадрсизланишига қарши молиявий сиёсат ўтказиш соҳасида ҳукумат идоралари самарали ҳаракат қилишлари зарур. Пленум қатнашчилари давлат ва хўжалик аппаратининг «пинҳона» иқтисодиёт билан қўшилиб кетишига қарши курашни қатиян кучайтиришни талаб қиладилар.

4. КПСС Марказий Комитети билан Марказий назорат комиссиясининг Пленуми қишлоқнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ёмонлашганлиги, деҳқонларнинг турмушидаги қийинчиликлар кучайганлиги муносабати билан жиддий ташвиш изҳор этади ва СССР Вазирлар Маҳкамасининг дастурида мамлакатни тангликдан чиқариб олишнинг асосий шартларидан бири сифатида деҳқончилик-саноат комплексини ривожлантиришга ҳақиқий устунлик бериш учун аниқ чора-тадбирлар, моддий ва молиявий ресурслар белгилаб берилиши лозим, деб ҳисоблайди. Шу мақсадда қишлоқ хўжалиги маҳсулоти билан саноат маҳсулоти нархлари мутаносиблигини зудлик билан қайта тиклаш, шаҳар ва қишлоқ ўртасида тенг айирбошлашни таъминлаш, бутун куч-ғайратни дон, гўшт етиштиришни кўпайтириш, озиқ-овқат ва балиқ саноатини техника билан қайта жиҳозлаш тармоқ дастурларини амалга оширишга қаратиш зарур. Деҳқонлар озиқ-овқат етиштиришни кўпайтиришдан ҳар томонлама манфаатдор қилинсин, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни рағбатлантиришнинг хилма-хил шакллари ва аввало муқобил мол сотиш усуллари кенг қўлланилсин.

Пленум қатнашчилари партия ташкилотларини, барча коммунистларни ер ислоҳотини ва умуман қишлоқдаги ислоҳотларни ўтказишда, кўп шаклли иқтисодиётни қарор топтиришда, шу асосда мулкчилик ва хўжалик юритишнинг хилма-хил шаклларини ривожлантиришда, қишлоқни ижтимоий жиҳатдан қайта қуришнинг барча масалаларини ҳал этишда халқ депутатлари Советлари ва ҳокимият ижроия органлари билан фаол баҳамжиҳат ҳаракат қилишга чақирадилар. Экиш ишларини уюшқоқлик билан ўтказиш ва ҳосилни йиғиштириб олишга тайёргарлик кўришда қишлоқ меҳнатчиларига самарали ёрдам берсинлар, қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришнинг камайишига йўл қўймасинлар.

5. КПСС Марказий Комитети билан Марказий назорат комиссияси шуни таъкидлайдиларки, тангликка қарши чора-тадбирларни амалга ошириш чоғида таълим, фан, маданият, соғлиқни сақлаш ва жисмоний тарбияни ривожлантиришга давлатнинг, меҳнат жамоалари ва жамоат ташкилотларининг эътибори сусайишига йўл қўйиб бўлмайди.

Пленум бозор муносабатларига ўтиш шароитида жамиятнинг илму зиё ва маданий салоҳиятини ҳимоя қилиш ҳамда ривожлантиришни таъминлайдиган қонун ҳужжатлари тезроқ қабул этилиши, бунинг учун зарур молиявий ва моддий шарт-шароитлар вужудга келтирилиши лозим, деб ҳисоблайди.

IV.

1. КПСС Марказий Комитети билан Марказий назорат комиссиясининг қўшма Пленуми ҳозирги пайтнинг мураккаблиги ва қалтислигини эътиборга олиб, партия комитетларига тангликка қарши чора-тадбирлар амалга оширилишини, энг муҳим ижтимоий-иқтисодий масалалар ҳал этилишини ташкилий-сиёсий жиҳатдан таъминлаш юзасидан аниқ ҳаракатларни амалга оширишни таклиф қилади. Айни вақтда коммунистларнинг партия барча бўғинларидаги, Советлардаги, меҳнат жамоаларидаги, оммавий ахборот воситаларидаги, жамоат бирлашмаларидаги ишини кучайтириш муҳимдир.

2. Пленум ғайрисоцналистик кучларнинг ижтимоий тузумни ўзгартириш, социалистик давлатни вайрон қилиш, совет ваколатли тузимини тугатиш, СССРнинг ташқи за ички ҳавфсизлигини пасайтириш йўлидаги уринишларига сиёсий усуллар билан қатъий қарши ҳаракат қилишни партиянинг энг зарур вазифаси деб ҳисоблайди. Партия ташкилотлари давлат идораларининг мамлакатдаги конституциявий тартибни мустаҳкамлаш соҳасидаги куч-ғайратларини ҳар томонлама қўллаб-қувватласинлар.

3. Пленум КПСС Марказий Комитети ва Марказий назорат комиссиясининг, сайлаб қўйилган бошқа партия идораларининг аъзоларига партия ташкилотларида, оммавий ахборот воситаларида, меҳнаткашлар орасида Пленум ишининг якунларини тушунтириб беришни топширади. Партия ташкилотларида интизомни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилсин, меҳнат жамоаларидаги ишларга ва вазиятга таъсирни тиклашда уларга ёрдам берилсин. Аввало цехлардаги ва бригадалардаги ички партия бўғинларини сақлаб қолиш ва қайта тузиш учун зарур чора-тадбирлар кўрилсин.

Марказий Комитетнинг Котибияти ҳозирги замон кадрлар сиёсати концепциясини ишлаб чиқиб, уни ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида партиявий таъсирни амалга оширишнинг энг муҳим воситаси деб ҳисобласин.

Минтақаларда ва тармоқларда КПСС ҳамда иттифоқдош жумҳуриятлар Компартиялари марказий органлари аъзоларининг иштироки билан аниқ сиёсий вазиятда келишилган ҳаракат тактикасини шакллантириш учун бошланғич партия ташкилотлари котибларининг ва партия фаолларининг кенгашларини мунтазам ўтказиб туриш одат тусига киритилсин.

Пленум КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг, Котибиятининг диққат-эътиборини ижтимоий турмушнинг турли соҳаларига ва партиянинг ўзига таллуқли принципиал партиявий қарорларни ишлаб чиқишда партиялилар оммасининг фикрини имкони борича кўпроқ ҳисобга олиш зарурлигига қаратади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БИЛАН МАРКАЗИЙ НАЗОРАТ КОМИССИЯСИ ҚЎШМА ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ
1991 ЙИЛ 25 АПРЕЛЬ.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СОВЕТЛАРИДАГИ КОММУНИСТЛАРНИНГ ИШИ ТЎҒРИСИДА

1. КПСС Марказий Комитети доимий ижтимоий-сиёсий комиссиясининг «Халқ депутатлари Советларидаги коммунистларнинг иши тўғрисида»ги маърузаси асосий қоидалари маъқуллансин ва КПСС матбуотида эълон қилинсин.

Иттифоқдош жумҳуриятлар Компартияларининг Марказий Комитетларига, жумҳурият, ўлка ва вилоят партия комитетларига амалий ишда маъруза материалидан фойдаланиш таклиф қилинсин.

2. КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси халқ депутатлари Советларидаги коммунистларнинг ишини такомиллаштириш юзасидан зарур тавсиларни ишлаб чиқсин.

Совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги жасоратига абадий шон-шарафлар бўлсин!

Фидокорона ва тинч меҳнати билан Ватанимиз шуҳратига шуҳрат қўшган фахрийларга таъзим ва ҳурмат!

(КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг 1 Май чақириқларидан).

ФАХРИЙЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Тошкентда уруш ва меҳнат фахрийларининг Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи ҳарбий сиёсий бошқармасининг бошлиғи генерал-лейтенант А. И. Захаров билан учрашуви бўлиб ўтди.

Бўлиб ўтган суҳбатда жумҳурият фахрийлар ташкилотининг ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги фаолиятига юқори баҳо берилди. Фахрийлар ҳарбий комиссариатларга ёшларни Совет Армияси сафларида хизмат қилишга тайёрлашда ёрдам кўрсатишда кўп ишларни қилишлари мумкинлиги таъкидланди.

Округ сиёсий бошқармасининг бошлиғи тўпланганларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Учрашувда Уруш ва меҳнат фахрийлари Ўзбекистон жумҳурият кенгашининг раиси Р. Ғ. Ғуломов сўзга чиқди.

Шундан сўнг фахрийларни тақдирлаш маросими бўлди. Совет Иттифоқи Қаҳрамони Б. Ҳ. Эргашевга у туғилган кунининг 70 йиллиги ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Т. Тўхтабоевга таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан жумҳурият фахрийлар ташкилотининг фахрий ёрлиқлари топширилди. Мукофотланганларни уларнинг ўртоқлари самимий табриклашди.

(ЎзТАГ).

ИЛҒОРЛАРГА ВЕЛОСИПЕД

Андижон вилоят электр тармоқлари корхонаси ишчилари майолди мусобақасида фаол қатнашиб, апрель ойи режаларини муддатидан илгари уддалади. Бу ерда электр энергиясидан тежамли фойдаланиш ва қишлоқ жойларида монтёрлик хизматини яхшилаш борасида меҳнат беллашуви авж олди.

Мусобақада Иброҳимжон Мусаев, Тиловолди Турсунов, Муҳаммаджон Расулов сингари тажрибали монтёрлар ғолибликни эгаллашди. Улар ой давомида зиммадаги топшириқларини 1,5—2 ҳисса ошириб бажаришди.

Корхонада илғорларни рағбатлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, 20 нафардан зиёд монтёрларга хизмат мақсадларида фойдаланиш учун велосипед ва моторолларлер ажратилди. Айни пайтда ишчи-хизматчиларни махсус коржомалар ва бошқа керакли анжомлар билан таъминлаш ҳам йўлга қўйилди. Бу эса меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам бермоқда.

У. МУҲАМЕДОВ.
Андижон вилояти.

• *Тошкент метроси*

«БЕРУНИЙ» ВА «ТИНЧЛИК»

Жумҳурият пойтахти аҳолиси 1 Май байрами арафасида азамат бунёдкорлардан муносиб совғани қабул қилиб олди. Тошкент метросининг «Беруний» ва «Тинчлик» бекатлари фойдаланишга топширилди. Ана шу воқеага бағишлаб ўтказилган маросимда студентлар шаҳарчасининг педагоглари ва жуда кўп сонли талабалари, маҳалладошлар, қурувчилар қатнашдилар.

Эрталаб соат 10.00 да бунёдкорлар рамзий калитни унинг фойдаланувчиларига тантанали топширишди. Шундан кейин метронинг иккита поездини бирлаштириб турган қизил лентани қирқиш Собир Раҳимов ноҳияси маҳаллалар кенгашининг раиси, нуроний отахон Низом Олимов зиммасига тушди. У барча йиғилганларни тайёр турган вагонларга чиқишга таклиф этди. Шундай қилиб, биринчи поезд йўловчилари билан шаҳар маркази томон йўл олди.

Вагонда бораётиб, Октябрь ва Собир Раҳимов ноҳияларида истиқомат қилувчи кекса кишилар билан суҳбатлашдик. Низом Олимовнинг ҳикояси қизиқарли бўлди.

— Тошкент кўҳна шаҳар. Унинг қадимда баланд ва мустаҳкам қурилган деворлари бўлган. Бу деворлар мана ҳозир биз яқинлашиб бораётган «Тинчлик» бекатининг устидан ўтган. Яқин вақтларгача шу девор қолдиқлари бор эди. Қўли гул ва абжир қурувчиларимиз ана шу кўҳна иншоот остидан темир йўл изларини маҳорат билан ўтказишганига қойил қоляпман. Чиндан ҳам эски шаҳар деб аталувчи кўҳна даҳаларда ҳаммамизнинг узоғимиз яқин бўлди.

Йўловчилар орасида В. И. Ленин номидаги Тошкент дорилфунуни математика факультетининг талабаси Нилуфар Йўлдошева ҳам бор эди.

— Мен студентлар шаҳарчаси атрофида яшайман. Ҳамма талабалар мамнун. Тантанали маросим очилишида шоиримиз Эркин Воҳидовнинг «Ўзбегим» деган шеърини завқ билан ўқидим. Мен келгусида математика фани билимларини метро қурилиши ва ундан фойдаланиш билан қўшиб олиб бориш ниятидаман.

Биринчи поездни бошқариб бораётган машинист Асқаржон Йўлдошев:

— Менга бундай шараф насиб этганидан ғоятда хурсандман. Поезд бехато ва илдам боряпти. Машинистлик борасида тажрибам етарли. Енимдаги шогирдим Дилшод Мўминов ҳам ер ости транспорт воситасини бошқариш сирларини ўрганяпти. Биз метросозларга ғамхўрлик кучаймоқда. Келгуси ойдан 700 сўмгача маош олишга эришамиз.

— Метрода йўловчиларнинг юриш ҳақи 15 тийиндан бўлганлигининг сабаби бор, — дейди Тошкент метрополитени бошқармаси бошлиғи Атҳам Миржалилов. — Чунки харажатлар катта. Битта мисол. Бизнинг метро бир йилнинг ўзида 60 миллион киловат соат электр қувватини сарфлайди. Бундан ташқари вагонлар ҳам қиммат. Ана шу икки станциянинг қурилиши учун 40 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Чкаловдан — Берунийгача йўл қурилишига эса 230 миллион сўм харжланган. Метро бундан буён такомиллашиб боради.

Метро неча ёшда? Тарихий манбаларга қарасак, у бундан 128 йил муқаддам Лондонда қурилган. Орадан 5 йил ўтиши билан Нью—Йоркда пайдо бўлган. Будапешт, Париж, Чикаго, Берлин, Москва, Токио, Монреал, Мехико шаҳарларининг метроси кўҳнадир. Энди Тошкентимиз — уларнинг қаторидан муносиб ўрин олмоқда.

А. ПУЛАТОВ.







Суратларда: Янги бекатлардан лавҳалар. В. МОЛГАЧЕВ суратга туширган.

ОҚСОҚОЛНИНГ БАХТИ

Яширмайман, куни кеча Гулистондан келган бир телеграмма менга бутун бир тарихни эслатди: «Мухбир укам, Шарофжон! Биз ветеранлар ҳаётидаги қувончли воқеа — Абдуназар Турдиевнинг «КПСС сафида 50 йил» фахрий нишони билан тақдирланишига бағишланган даврага таклиф қиламиз. Мирзачўл тарихида ўз ўрнига эга бўлган оқсоқолнинг тақдиридаги оқ доғлар ювилиб, унга нисбатан покиза адолат тикланганидек қувончни биз ветеранлар билан баҳам кўришингизни сўраймиз... Солижон АЛИМОВ, Сирдарё вилояти уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашининг раиси».

Аввало, Солижон Алимов ҳақида икки оғиз сўз: Биз Улуғ Ватан урушини ғалаба билан якунлаган жангчиларни «Берлинга Ғалаба байроғини тикиб қайтган» деб улуғлашни одат қилганмиз. Бироқ Солижон Алимов ҳақида гап кетганда бу таърифга аниқлик киритиш лозим бўлади: Солижон ака 1945 йил 8 май куни машҳур Рейхстаг пештоқига Ғалаба байроғини ўз қўли билан тика олган мардлардан бири. Бу ҳақда тегишли ҳужжатларга эгамиз ва вақти-соати билан бу ташбеҳга яна қайтамиз. Ҳозир мавзу — у йўллаган телеграмма ҳусусида...

Мирзачўл тарихи ҳақида баҳслар кўп. Бу тарихнинг билимдонлари ҳам оз эмас ва олдиндан эътироф этиб қўяй, мен бунга даъвогар эмасман. Биринчи синф остонасига Мирзачўл бағридаги мактабларидан бирида қадам қўйган талаба сифатида шунга гувоҳликка ўтишим мумкинки, қадим Мирзачўлнинг Гулистон бўлганига унча кўп бўлгани йўқ. Бу бизнинг авлодимиз кўз ўнгида юз берди. Бироқ Мирзачўлнинг юз йиллик тарихи кўз ўнгида кечган қариялар бор. Улар бу юртни ҳамон Мирзачўл деб биладилар. Уларга Мирзачўлнинг янги номи ҳамон эриш туюлади. Инсоф билан айтганда, мен уларга хайрихоҳман. Жойларнинг номи ҳар асрда бир ўзгараверса, бизни қандай келажак кутади? Ҳар бир авлод ўз даврининг шитоби билан яшайди. Бизнинг авлодимиз ҳам шундай. Бир ҳамлада Мирзачўл музофотида унинг номини йўқ қилдик. Сирдарё вилоятида энди Мирзачўл йўқ. Уни Гулистон атадик, бироқ чинакам Гулистондан дарак йўқ... Мирзачўл ўз тўқайлари билан ҳамон юрагимизда. Мирзачўлни қалбига кўмган авлодни биз тушуниб етдикми? Мирзачўлда ҳар бир қарич ер, ҳар бир сиқим тупроқни улкан қиёқларнинг туядек ўркачлари остидан тирноқлари қонталаш бўлиб тортиб-тимдалаб олган аждодлар меҳнатини ардоқлай олдикми? Улардан ҳаккам-дуккам барҳаёт қарияларнинг иззат-ҳурматини жойига қўйдикми? Марҳумлар хотирасини муносиб ёд эта оляпмизми? Афсуски, Мирзачўл кашшофларининг тарихдаги ўрни ва хизматига нисбатан кўп даврларда адолатли ёндошилмаганлигига гувоҳ бўламиз.

Тақдир Мирзачўлни қаҳрамонларга бой қилиб яратди. Турғун Аҳмедов, Жўрахон Усмонов, Елена Стемпковская, Михаил Чумашкин каби Совет Иттифоқи Қаҳрамонларини биз Мирзачўл фарзандлари деб фахрланамиз.

Айни пайтда Ғанишер Юнусов, Қинабек Укубаев, Турсунбой Латипов, Афанасий Демидович Брухтий, Соибжон Назаров, Лолакилларини кўрамиз. Мирзачўл нафақат мамлакатнинг улкан лабораторияси, балки беқиёс дўстлик ва қардошлик маскани ҳам бўлиб қолди.

Гулистон шаҳри марказида жумҳурият оқсоқоли Йўлдош Охунбобоевнинг пурвиқор ҳайкали бўй чўзиб турибди. Унинг пойқадами теккан жойларни қариялар шавқ-завқ билан хотирлайдилар. Йўлдош ота ўз пайтида Фарғона водийсидан кўчиб келган минглаб хонадонларнинг мирзачўллик бўлишида сабабчи эдилар. Балки шунинг учундир жумҳурият оқсоқоли чўлқуварлар ҳаёти ва турмуш тарзидан хабар олиб туришни канда қилмасдилар.

Суратда: Абдуназар Турдиев ва Жонқиз ая набираси билан.

хон Эрбўтаева, Назира Йўлдошева, Қўзибоқар Синдоров, Қодирқул Султонов, Николай Комаров, Тоғай Идиқулов, Андрей Шчукин, Собиржон Сиддиқов, Мамажон ва Тўлан Дадажоновлар, Аҳмаджон Валиев ва бошқа бир қатор Социалистик Меҳнат Қаҳрамонларига Мирзачўл она Ватан бўлди. Айни пайтда Азизхон Носиров, Абдуназар Турдиев, Этамберди Ботиров, Неъмат Эрназаров, Саттор Усмонов, Худоёр Латипов каби ўнлаб, юзлаб Олтин Юлдуз тақмаган қаҳрамонлар халқ қалбидан жой олдилар.

Жавод Кўчиев Мирзачўл тупроғидаги меҳнати учун Ленин мукофоти лауреати деган юксак номга мушарраф бўлди. Сўнгги чорак асрда мамлакатнинг ҳеч бир минтақаси бунчалар кўп донгдор қаҳрамонлар тизмасини кўрган ва билган эмас. Улар орасида ўзбеклар билан бир қаторда руслар, украинлар, месхети турклари, қозоқлар, қирғизлар, тожиклар каби ўнлаб миллат вакилларини кўрамиз. Мирзачўл нафақат мамлакатнинг улкан лабораторияси, балки беқиёс дўстлик ва қардошлик маскани ҳам бўлиб қолди.

— 1941 йил кўкламида Йўлдош ота бизнинг юртда — Мирзачўлда меҳмон эдилар, — деб хотирлаган эди бир сафар Абдуназар ака. — Биз отани қўшни «Қизил Шарқ» колхози чегарасида кутиб олдик. Колхоз раиси Азизхон Носиров отанинг қадрдонларидан эди. Асли наманганлик бўлган Азизхон ака бошлиқ бир неча юз хонадоннинг мирзачўллик бўлиб қолишига ота сабабчи эдилар. Йўлдош ота бизнинг хўжаликдан қайтиш пайтларида яна Азизхон ака билан хайрлашгани «Қизил Шарқ»да тўхтадилар. Меҳмонни бу ерда ўзига хос хушхабар кутарди. Колхоз раисининг хонадонида янги фарзанд дунёга келганди. Ота буни эшитиб: «Фарзанд — яхшилик аломати. Мана энди Мирзачўлга бегона эмассиз, бу ерда илдиз отиб, палак ёздингиз», деган эдилар. Бундан хушнуд бўлган хонадон соҳиблари Йўлдош отадан янги меҳмонга исм қўйиб беришларини илтимос қилишди. Шунда Йўлдош ота шоирона тўлқинланиб кетдилар: «Азизхон, ўз отингиз билан азиз кишисиз. Чўлда дунёга келган фарзандингиз сиз учун ҳам, Мирзачўл учун ҳам лазиз бўлсин. Келинг, унинг отини Лазизхон қўйлик. Унинг пойқадами билан бугунги тўқайлар ўрнида лаззатли ширин турмуш насиб этсин» дедилар ва юзга фотиҳа тортдилар.

Йўлдош отанинг айтганлари келди. Бугун Лазизхон Носиров Мирзачўлга таниқли шифокор. Унинг тенгдошлари ҳам 50 ёшга тўлди. Чўлда янги авлод дунёга келди, янги ҳаёт бошланди...

Мирзачўл бағридаги ўнлаб, юзлаб қаҳрамонлардан Абдуназар Турдиевни ажратиб турадиган яна бир жиҳати бор. Мирзачўлнинг донгдор кишилари ўз ҳаёт йўллари билан Советлар мамлакатининг улкан харитасини эслатади, Қаҳрамонлар ичида мамлакатдаги барча жумҳурият вакилларини кўриш мумкин. Абдуназар ака эса, улардан фарқли ўлароқ, Мирзачўлда туғилган! У асл маънода ҳам «Мирзачўл ўғлиман!» дейди фахрланиб. Абдуназар Турдиев таржиман-ҳоли ҳам Мирзачўл ҳақидаги расмий ва норасмий тасаввурларга тузатиш киритса ажаб эмас. Маълумки, тарихчиларнинг бир гуруҳи Мирзачўлдаги маданий ҳаёт ёшини руслар нинг суғориш ишини бошлаган ўн тўққизинчи аср охири билан боғлашга шайланадилар. Бунда кўпинча рус тадқиқотчиси В. И. Мосальскийнинг ўтган асрда ёзиб қолдирган «Туркистон ўлкаси» асаридаги ўзига хос каромат билан минг йиллик Мирзачўл бўйини ўлчамоқ бўладилар. Мирзачўлга рус мустамлакаси нигоҳи билан назар ташлаган олим ёзади: «Мирзачўл ўн минг квадрат чақирим майдонни эгалловчи жуда кенг, деярли мутлақо текисликдан иборат бўшлиқ... Сув фақат қудуқлардан олинади ва деярли ҳамма вақт тахир ёки шўр бўлади. Ёз фаслида Мирзачўл офтобда жизғанаги чиқиб ётган сарғиш-қорамтир жонсиз текислик бўлиб, у жазирама иссиқ ва мутлақо ҳаёт йўқлиги сабабли (?!) ўз номига жуда мос келмайдир...»

Нима ҳам дердик, сайёҳларнинг «баҳо»си баҳо эди: рус тилида Мирзачўлни асоссиз равишда «Голодний степь» — «қашшоқ чўл» деб аташ тус олди...

Яна бир гуруҳ ўзига хос тадқиқотчилар сўзсиз Мирзачўл истиқболини 1918 йил 17 май Декрети билан боғлайдилар. Ҳеч шубҳасиз, «Россия тўқимачилик саноатини етарли даражада пахта билан таъминлаш режасига кўра... 500 минг десятина ерни суғориш учун... Сирдарё чап қирғоғида ирригация иншоотлари барпо этиш» мақсадини кўзлаган «оламшумул декрет»дан ҳам анча аввалроқ Сирдарё бўйларида маданий ҳаёт авжида эди. Бунинг учун Ўзбек совет энциклопедиясига мурожаат қилиш кифоя: «Боёвут» — ўзбек уруғларидан бири. Қадимги боёвут уруғига мансуб кишиларнинг аждодлари Сирдарёнинг чап қирғоғида — ҳозирги Гулистон районининг Боёвут қишлоғи — «Қизил Шарқ» ва «Фрунзе» колхозларида яшайдилар... Боёвутликлар урф-одатда дашти-қипчоқ ўзбекларидан фарқ қилмаганлар. XIV аср тарихчиси Рашиддин Қазвинийнинг «Жомеъ ат-таворих» ва Абдулғози Баҳодирхоннинг «Шажараи турк» асарларида боёвут уруғи ҳақида маълумотлар сақланиб қолган. Рашиддиннинг ёзишича, қадимий боёвут уруғи катта уруғлардан бири бўлган...» (ЎзСЭ, 2-жилд, 308-бет).

Абдуназар Турдиев 1917 йилда Сирдарёнинг чап қирғоғида жойлашган қадимий Боёвут қишлоғида туғилди. Мирзачўлда суғориш ишлари дастлаб мана шу нуқтадан бошланганини ким билмайди, дейсиз. Дунёга келган кундан тақдир уни чўлқуварлик унвони билан сийлагани ҳам рост. У ўз она қишлоғида ташкил топган «Қизил тонг» колхозига қарийб чорак аср раислик қилди. КПСС аъзоси Абдуназар Турдиев раислиги даврида «Қизил тонг» колхози жумҳуриятга танилди. Колхоз раисининг кўксида қўш Ленин ордени, Ҳурмат Белгиси ордени ва бир неча медаллар порлади. Уруш йилларида колхоз раиси шахсан ўз жамғармасидан Совет Армияси мудофааси қудратига мадад учун 50 минг сўм пул тақдим этиб, шахсан Сталиннинг миннатдорчилик мактубини олди.

1963 йилда Сирдарё вилояти ташкил топди. Афсуски, ҳудди ўша йилларда Мирзачўл тақдирида ўзига хос ўрни ва ролари бўлган бир гуруҳ кадрларга муносабатда адолатсизликка йўл қўйилди. Сирдарё вилоятининг тузилиши ва янги ҳокимият ўз салтанатини ўрнатиш жараёнида бир томонлама қараш ғолиб келиб, Мирзачўлга меҳнати синган, чўл шамолида суяги қотиб, сочи оқарганлар ҳам довулдан четда қолишмади. Шу сафда «Қизил тонг» колхозининг раиси Абдуназар Турдиев ҳам ноҳақликка дуч келди ва тухмат билан партия сафидан ўчирилди.

Қарийб 30 йилдан кейин адолат тикланди. Бунда вилоят уруш ва меҳнат ветеранлари кенгаши ва коммунистларнинг ҳақиқат олдидаги эътиқоди, бирлиги ва жипслиги катта роль ўйнади. Ўзбекистон ССР Олий Суди Президиуми ўзининг 1990 йил 19 ноябрь қарорига мувофиқ Абдуназар Турдиевга нисбатан муқаддам билдирилган барча айблов ҳукмлари ва ажримларини бекор қилди. Яқинда Абдуназар ака 75 ёши арафасида Коммунистик партия сафига тиклашларини сўраб бошланғич партия ташкилотига мурожаат қилди. Кекса коммунистнинг ноҳақ узилган 27 йиллик партия стажи тикланган ҳолда у партия сафига қайтди ва айни пайтда Абдуназар ака Турдиев «КПСС сафида 50 йил» фахрий нишонига сазовор бўлди.

Бугун кекса коммунист Абдуназар Турдиевни сафдошлари, дўстлари ва шогирдлари қизғин қутлашмоқда. Абдуназар ака ҳаётда ҳам пиру-бадавлат инсон. У Жонқиз ая билан 55 йилдан буён ҳаётнинг барча аччиқ-чучукларини бирга баҳам кўриб келишяпти, ўн фарзандни тарбиялаб, вояга етказдилар, 41 невара, 9 эвара улар атрофини қуршаб олишган. Абдуназар ака нафақат ўзи учун, балки ўз авлоди учун, келажак учун ва бутун Мирзачўл учун яшади ва меҳнат қилди. Адолатга интилганда ҳам у ана шу авлодни ўйлади. Мирзачўл — ҳалол ва мард кишилар Ватани. Абдуназар ака бир умр «Мен— Мирзачўл фарзандиман» деб фахрланиб келди. Ҳақиқат, кечикиб бўлса-да, қарор топди. Лекин аслида кеч бўлсада адолат тантанасига нима етсин! Мирзачўлнинг шавкатли оқсоқолларидан бирини муборак 75 ёши билан қутлаб, курашларда қўлга киритилган бахт муборак бўлсин, деймиз! Оқсоқол эса, ибратли умри билан, ҳаёт — курашлардан иборат, эканлигини мудом эслатиб туради.

Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ.

КАДРЛАР ЎҚУВИ

Тошкент сиёсатшунослик ва бошқарув илмгоҳининг раҳбар ходимлар ва мутахассислар малакасини ошириш факультетида шаҳар партия комитетлари ва шаҳарлардаги район партия комитетлари иккинчи котибларининг, Ўзбекистон Компартияси вилоят комитетлари ташкилий-партиявий ва ҳўқуқий ишлар бўлимлари масъул ходимларининг икки ҳафталик ўқиши ниҳоясига етди. Ўқув программасига бозор муносабатларига ўтиш билан боғлиқ асосий назарий ва амалий масалалар мажмуаси киритилган эди.

Машғулотларда бозор иқтисодиётининг моҳияти, унинг самарали ишлаши муаммолари, бу жараёнларнинг Ўзбекистонга хос хусусиятлари, ўтиш даврида меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш ва камбағал гуруҳларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш шартлари батафсил кўриб чиқилди. Жамоат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш билан боғлиқ вазифалар, бозорнинг молия-бюджет воситасини яратишнинг, нарх белгилашни ислоҳ қилишнинг асосий қоидалари, деҳқончилик-саноат комплексини ривожлантириш, иқтисодий ислоҳотни, халқ депутатлари шаҳар ва район советларининг тўла ва реал ҳокимиятга эга бўлишини қонуний тарзда таъминлаш йўллари ишлаб чиқилди. Касб ўргатиш ва бошқарув ходимларини тарбиялаш соҳасида америкаликлар тўплаган тажриба, бозор муносабатлари шароитида республиканинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан нормал ривожланишини таъминлаш билан боғлиқ бошқа масалалар ўрганилди.

Ўқув жараёнида ҳозирги аҳволни, республикада ижтимоий тармоқларни самарали ривожлантириш имкониятларини, фан, халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва маданият муаммолари ҳамда истиқболларини, экологияни вазиятини яхшилашни муҳокама қилишга катта эътибор қаратилди. Партия комитетлари иш шаклари ва усулларини янгилаш, бошланғич партия ташкилотларининг, назорат тафтиш комиссияларининг ҳуқуқларини кенгайтириш ҳамда уларнинг партия ички турмушини демократиялашдаги, социалистик қонунчилик ва ҳўқуқ тартиботни мустаҳкамлашдаги ролини ошириш йўллари кўриб чиқилди. Партия комитетлари фаолиятини қайта қуриш борасида тажриба алмашилди.

Тингловчилар ҳузурида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби К. Ю. Юсупов, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши комитетларининг раислари Э. Н. Ҳўжаев, Э. Ҳ. Халилов, бир қанча тармоқларнинг вазирлари, идоралар ва республика ташкилотларининг раҳбарлари, олимлар нутқ сўзладилар.

Ўқув давомида эркин мунозаралар, суҳбатлар, учрашувлар, лекцияларни кейин муҳокама қилиш учун уларнинг матнлари билан дастлабки тарзда танишиш каби усуллар фаол қўлланилди... Кўчма машғулотда тингловчилар «Совпластитал» қўшма корхонаси бошлангич партия ташкилотининг иш тажрибаси билан танишдилар.

(ЎзТАГ).

• *Миш-мишлар ва ҳақиқат*

«ТАШВИШЛАНИШ УЧУН АСОС ЙЎҚ...»

Республика дон маҳсулотлари вазирининг ўринбосари Р. Эргашев гўёки яқинда ун етишмай қолиши тўғрисида тарқалган миш-мишларни ана шундай қатъий рад этди.

У ЎзТАГ мухбири билан суҳбатда бундай деди:

— Биз одамларни ун, нон ва ёрма билан узлуксиз таъминлаш учун барча чораларни кўриб қўйганлигимизга республика аҳолисининг ишончи комил бўлсин.

Ҳатто, нарх-наво ошганидан кейин нон ва нон-булка маҳсулотларини истеъмол қилиш кескин ошиб кетиши ҳам бизни довдиратиб қўймади. Шуни эслатиб ўтмоқчиманки, масалан, Тошкентда бу ўсиш бир кеча-кундузда 100-130 тоннани ташкил этди, лекин шаҳарликлар буни ҳис қилмадилар. Барча дўконлар тўхтовсиз ишлади, одамлар навбат кутиб қолишмади. Бу — «Ташхлебпром» бирлашмаси заводлари ўз вақтида реконструкция қилинганлиги натижасидир.

Ун танқислиги тўғрисида ҳам гап бўлиши мумкин эмас. Бир қанча заводларнинг реконструкция қилинганлиги, техник жиҳатдан қайта жиҳозланганлиги бизга келажакка ишонч билан қараш имконини бермоқда. Ўтган йили бизнинг тегирмонларимизда 2440 минг тонна ун тайёрланди. Бу йил фақат режанинг ўзига кўра биз 2825 минг тонна ун чиқарамиз.

Лекин ҳали бу ҳам чегара эмас. Тегирмончилар топшириққа қўшимча равишда 100-120 минг тонна ун бериш ниятидадирлар. Ишлаб чиқариш маданияти ўсганлиги, технология яхшиланганлиги туфайли республикага қўшимча дон олиб келмасдан шундай ишлаш мумкин бўлди. Фақат 1 тонна дондан чиқадиган уни 75 фоиздан 78-82 фоизга етказиш ҳисобига биз 110 минг тоннадан кўпроқ қўшимча ун тайёрлаймиз.

Ю. БОНДАРЕНКО,
ЎзТАГ мухбири.

ТЕГИРМОН УНИ ТАНСИҚ

Тегирмон деса энсаси қотадиган баъзи кишилар энди ҳушёр тортиб қолишди. Бозор иқтисодиёти шароити аҳолини ўйлаб иш тутишга даъват қилмоқда. Бунга биз Наманган вилояти Чуст туманидаги Варзик қишлоғида бўлганимизда қаноат ҳосил қилдик.

Суви қочинқирагани қолиб, янги узилган нонни ушатаётган набираларни кузатган Раҳимжон бува чойни апил-тапил ичиб кўчага отланди. Инисидек қадрдони Эргашбой тегирмончини топди.

— Кўрпага қараб оёқ узатиш керак, Эргашбой! — деди соқолини силаб бува. — Сен индамасанг, мен индамасам...

Пўписа оҳангидаги бу суҳбатдан Эргашбой ҳанг-манг бўлиб қолди. Буванинг бафуржа тушунтиришидан кейин Эргашбой тегирмончи қаддини ростлади, маҳалладаги каттакичик билан маслаҳатлашди.

Эртасига Эргашбой ака эски касби — тегирмончилик билан машғул бўла бошлади. Ўз уйидаги тегирмонни яна ҳаракатга келтирди. Биринчи бўлиб Раҳимжон бува олиб келган буғдойни ун қилиб берди.

Тегирмондан чиққан ун намунасини бармоқлари орасида эзиб кўргач, отанинг чеҳраси ёришди:

— Бўларкан-ку, биб-биноён ун чиқибди, баракалла!

Кейин ота хиёл ўйлаб қолди: «Ҳозир ҳукумат тегирмонларида буғдойнинг ўзидан ўн хилга яқин маҳсулот ажратиб олинса-да, роса эланган ун бўлади. Тўғриси буғдойнинг қуввати иккинчи даражали маҳсулотларга ўтиб кетади. Мана, қадимий, сервитамин ун чиқди-қўйди».

Ота шундай деганда хаёлидан яна бошқа гапларни ҳам ўтказди. Эргашбойнинг уй тегирмони қадим 30 йил ишлаган бўлса, кейинги 30 йил мобайнида ортиқча матоҳдай бир бурчакни хира қилиб ётди. Уни ишга туширишга ортиқча харажат қилинмади. Томорқа ерларида буғдой, маккажўхори экиб ўрганган қишлоқ деҳқонлари хонаки тегирмонга қатнашмоқда. Бундан дарак топган қишлоқ матлубот кооперацияси бу ерда яна бир кучлироқ, замонавийроқ тегирмон қуриш ҳаракатига тушиб қолди.

Тегирмончи Эргашбой Иқромов (чапда) ва Раҳимжон бува Иномовнинг дилкаш суҳбати фурсатида ЎзТАГ суратқаши А. Ковтун тасвирга туширди.

Ж. ХОЛҚОДИРОВ.

ЭЪТИРОФ ЭЪТИБОРДАН БОШЛАНАДИ

КЕЧА БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ЭКСПЕДИЦИЯСИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ХОРАЗМГА ТАШРИФ БУЮРИШДИ

Қир-адир, чўлу-биёбондан ошиб ҳориган карвон ниҳоят Хивага етиб келди. Сарбон дарвозани мадорсиз қўллари билан қоқди. Соқчилар таниш сарбонни, юкли туяларни кўриб, қўлларини кўксига қўйдилар.

— Шаҳримизга марҳабо қилсинлар.

Илтифотдан сарбоннинг чарчоғи ариб кетгандай бўлди. У ташаккур билдириб, катта карвонни карвонсарой сари бошлади. Туяларга Оврўпанинг тансиқ маҳсулотлари, хитой чинниси-ю, ипак қоғозлари, ҳинд чойию, газламалари юкланган эди. Эрталабдан шаҳар расталарида улар сотила бошланди.

Бу бир хаёл. Лекин ўтмишда худди шундай ҳолат юз бергани шубҳасиз. Буни буюк ипак йўли экспедицияси изланишлари ҳам кўрсатиб турибди. Ажабланарлиси шундаки, бу экспедиция аъзолари Хивага худди ўтмишдагидек рамзий бир вазиятга — туялар билан ташриф буюришади. Бироқ ўша замонлардагидай манзаранинг гувоҳи бўлишармикан?

— Аминмизки, Буюк ипак йўли давридагидай шарт-шароитни тасаввур этишлари учун етарли имконият бўлади, — дейди Хоразм вилояти ижроия қўмитаси ранси ўринбосари Баҳодир Исмонлов. — Хива — очиқ осмон остидаги музей шаҳар. Бу ердаги ҳар бир қарич ер тарихдан сўзлайди. Ичонқалъадаги карвонсарой бўлса, энг ажойиб обидалардан бири. Ҳозир унда савдо расталари жой олган. Бу ҳам карвонсаройнинг қанча йиллар ўтганига қарамай ўзининг аввалги вазифаларидан бирини бажараётганлигидан далолатдир. Балки пайти келиб ҳақиқий вазифасини тўла ўташга ўтар. Дунёнинг турли бурчакларидан келган кишиларга бу ерда савдо-сотиқ қилишлари, маданий-маърифий ишлар, ўзаро алмашувлар билан шуғулланишлари учун шарт-шароит туғилади. Келажакнинг ана шу нурли жиҳатларини назарда тутган ҳолда ҳам ипак йўли экспедициясининг Хоразмга ташриф буюриши яқин келажакда катта наф келтириши мумкинлигини кўрсатиб турибди.

— **Халқаро экспедиция қатнашчиларининг воҳадаги кунлари қандай ўтади?**

— Мазкур экспедиция иштирокчилари Хоразмда беш кун бўлишади. Уларнинг дастури ранг-баранг, мазмундор учрашув ва тадбирларга бой. Урганч, Хива, Дружба шаҳарларини, воҳамиз қишлоқларини томоша қилишади. «Буюк ипак йўлидаги шаҳарлар ва карвонсаройлар» мавзуида халқаро илмий семинар давом этади. Анжуманда чет эл, мамлакатимизнинг таниқли фан намояндалари билан бир қаторда юртимиз олимлари ҳам маъруза қилишади. Шунингдек, меҳмонлар Ичонқалъадаги халқ этнографик байрамида иштирок этишади. Ўйлаймизки, дарбоз, халфа, масхарабоз, мақомчи, раққосаларнинг ўзига хос томошалари уларда яхши таассурот қолдиради. Иккинчи жиҳатдан ипак йўли даври, санъати, анъана ва удумлари халқ орасида ҳозирги пайтга қадар нечоғлиқ сақланиб келинаётганлиги хусусида тасаввур ҳосил қилиш мумкин бўлади.

Буюк ипак йўли энг аввало савдо-сотиқ дегани. Щуни назарда тутган ҳолда биз меҳмонларга халқ амалий санъати усталарининг ажойиб ишларини, ғиламдўзларнинг маҳсулотларини, бошқа жамоаларнинг ўзига хос меҳнат маҳсулларини, санъаткорларнинг чиқишларини ҳам кўрсатамиз. Кўнгилга маъқул тушса ўзаро иқтисодий алоқалар учун шартномалар имзоланиши манфаатли ҳамкорликларни йўлга қўйишга замин яратиши мумкин. Хуллас меҳмонларнинг воҳамиздан мазмунли таассуротлар олиб қайтишлари учун қўплаб амалий режалар тузилган. Бу борада вилоят кенгаши қошида иш олиб бораётган махсус ташкилий қўмита яқиндан ёрдам беради.

— **Аёнки, эътироф эътибордан бошланади. ЮНЕСКО томонидан Буюк ипак йўли экспедициясининг ўтказилиши ўтмишни бугунги кун билан, бинобарин ҳозирни келажак билан боғлашга хизмат қилади. Шундай экан бу олижаноб мақсадлар йўлидаги хайрли қадамлар қўйилди, бизни жаҳон халқлари янада яқиндан танишлари учун имкониятлар яратилди деб ўйладими?**

— Албатта биз эътибор кўрсатиб хайрли тадбир ташкил этганлиги учун ЮНЕСКОдан миннатдормиз. Аҳир шу кезгача ғоят оддий, лекин инсониятни бир-бири билан боғлайдиган катта эзгу ҳамкорликка замин яратадиган худди шундай улуғ муносабат ришталари етарли бўлмаётган эди. Яширишнинг не ҳожати бор. Дунёнинг маданий-маърифий марказларидан бири бўлган юртимиз эътибордан анча четда қолиб келаяпти. Буюк ипак йўли экспедицияси туфайли бу кемтиклик бироз бўлсада тўлдириляпти. Яна шуниси қувончлики, Ичонқалъа жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилди. Хиванинг катта тўйи нишонланиш арафасида турибди.

Эндиликда ҳамма иш ўзимизга боғлиқ. Халқаро ташкилотлар томонидан эътиборга кўрсатила бошланди. Бизнинг ўзимиз ҳам кўпроқ ташаббускорлик, тадбиркорлик ва удабуронлик билан йўл тутишимиз лозим бўлади. Шундагина бошланган хайрли тадбирлар ривож топади. Худди Буюк ипак йўли давридагидай келажакда ҳам юртимиз жаҳон савдо-сотиқ, маданий-маърифий ҳамкорликларининг юраги бўлиб қолиши учун шарт-шароит туғилади. Бунинг учун барча имкониятлар мавжуд.

Суҳбатдош

А. ҚОРЖОВОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

1

МУҲИМ НАРСА

АҲВОЛИМ яхши эмас, биродарлар. Яхши эмас, дедим, йўқ, очиғи — ёмондан ҳам ёмон менинг аҳволим. Буни фақат бошидан кечирган билади. Худо сақласин, ҳеч кимсага насиб қилмасин бундай қисмат, душманимга ҳам раво кўрмайман.

Бир мусибатга дуч келибди бу шўринг қурғур, уйидан ўлик чиқибди ёки одам яқинлашмайдиган пес-мохов бўлибди, деб ўйлай кўрманглар. Уйим куйгани йўқ, шукур, хонавайрон ҳам эмасман, тани-жоним соппа-соғ, бола-чақам ўйнабкулиб юрибди, уруғ-аймоғим тўқ-тўкин. Ҳаммаси жойида, амалим бор, машинам юриб турибди, чорбоғим обод, дастурхоним бут, ҳовли-жойим бари саришта. Нимам йўқ топиб айтолмайман. Нимамдир йўқ, биродарлар. Энг муҳим, энг зарур нарса йўқ менда. Нима ўзи у: эс-хушми, йўқ, эс-хушим бутун. Сиҳат-саломатликми — отдайман, унисига шукур, шикоят йўқ. Нима ахир, ҳаётми? Ҳаётим қайноқ, бош қашигани вақт йўқ.

Сизга арзимдан мурод, биродарлар, мана шу нарсани топиш, топиб отини аташ...

Эрталаб соат саккизда машина келиб, зинапоям ёнида тўхтайди. Беш минут ўтганда мен машинага чиқиб ўтираман. Сақол-мўйлов тоза қирилган, галстук жойида, шимнинг тахи бузилмаган. Қирқ уч йилдан бери шунақа, буни ҳамма билади. Идорадагилар ҳам, бошлиқлар ҳам.

Улар қачон қаерда бўлишимни ҳам минут-минутигача билишади, билишлари керак. Телефонга улаб қўйилганман, уйда битта, идорада тўртта аппаратга. Шу телефонлар ҳам ҳар дақиқа менинг қаердалигимни билишади, билишлари керак. Чунки улар мени ҳар зумда топа билишлари шарт. Симлардан менга топшириқлар келади: район қўмитасидан, шаҳар қўмитасидан, вилоят қўмитасидан, марказлар, бошқармалар, ижроқўмлардан... Мен бу топшириқларни ўзимдан пастдагиларга етказишим зарур. Маълумки, ўй ўйламайман, бунга ўзингиз тушуниб турибсиз, вақт ҳам йўқ, имконият ҳам, зарурат ҳам. Чунки мен катта амалдор бўлсам ҳам, аслида, юқорида айтганимдай, фақат «узатқич»ман, Ўрнимда михланиб ўтиришим шарт, курсини икки дақиқага тарк этсам, бутун алоқалар узилади, бир мурвати учиб кетган машинадай, ишлар остин-устин бўлиб кетиши мумкин. Мен мана шундай муҳим нарсаман.

Доим қулоғим тик. Бошлиқ чақирса зил кетаман, шунча ишда бир ишкал ҳам бўлиши бор-да. Чақирмаса — яна хавотир оламан! Бу — эътибордан қолиш нишонаси.

Йўқ, мен столга ёпишиб олган амалпараст эмасман. Лекин ишдан олинганларнинг аҳволини кўриб турибсиз-ку. Улар инсон ҳисобланмайди. Ариза бериб кет, дерсиз. Буни кўп ўйлаганман. Бу чигал тузоқдан қутилиб чиқиб кетишни жуда ҳам истайман, лекин ким тушунади? Ўз ихтиёри билан ишдан кетганга ким ишонади? Айбингизни қидиради, топади ҳам, миш-миш муштдан ёмон, деганлар. Йўқ, буни барибир ҳеч ким тушунмайди, ҳатто ўз болангиз ҳам. «Сизни нима учун ҳайдашди, дада?» деб чиқади рўпарангиздан.

Чунки мен расмий одам, давлат кишисиман. Аниқроғи, мен — мен эмас, мен — сиёсат, мен — ғоя, мен — тузум. Ҳар бир сўзим ҳикматдай тез тарқайди: фалончи фалон дебди! Шунинг учун айтар сўзимни обдон чамалаб, ўлчаб-бичиб айтишим керак, ғаплашадиган одамимни ўзим танлайман. Ким билан чой ичди, деган масала ҳам бир кун эмас бир кун мажлисга солиниши мумкин. Менинг ҳар бир ишим мажлисда ҳал этилади. Отпускага кетсам —қарор керак, қаерда бўлишим эълон этилади. Чунки чақириб оладиган бўлсалар, мен шай туришим лозим.

Бир вақтлар ашула айтардим, ҳозир айтсам, жинни бўпти, дейишлари турган гап. У пайтлар муюлишга чиқиб пиво ҳам ичардим, ҳозир қаёқда! Кўчада пиёда юрсам одамлар тўхтаб қарашади, шубҳага тушиб, бармоқ билан туртиб кўрсатишади. Улфатчилик — бизнинг муҳитда ёмон сўз. Ким билан ўтиришни билишим керак. Кўпчилик орасида биров латифа айтиб қолса, одамлар менинг кулишимга қараб кулади, мен эса дарровда кулолмайман — латифанинг мағзини чақишим керак, ғоҳо «мағиз»дан мағзава ҳиди келса, мен ҳонадан чиқиб кетаман, мансабим шуни тақозо этади.

Бошлиғим доим ёдимда, қиёфаси кўз ўнгимдан кетмайди, кўпинча тушларимга ҳам киради. У гўё ўз кабинетида эмас, менинг калламда ишлаб ўтиради. Одамларнинг тушига денгиз мавжлари, жонон қизлар киради, менинг тушимга эса — бошлиғим.

У ўзи ёмон одам эмас. У ҳам менга ўхшаган бир шўринг қурғур. Лекин юзига чиқармайди, доим бахтиёр бир ҳукмронлик кайфияти билан ғамхўрлик қилади. Шу ғамхўрлиги билан оёқ-қўлимни боғлаган: машина ғизиллаб турибдими, чорбоғ ободми?..

Чорбоғда уч хизматкор иширсигани иширсиган, қўлимни совуқ сувга урдиришмайди. Уй-жой ҳам, машина ҳам, чорбоғ ҳам ҳукуматники. Амалдан кетсам — шип-шийдонман.

2

Шундай қилиб, ҳамма нарсам бору, ҳеч нарсам йўқ. Аммо гап бошқа ёқда. Мен жонли одам эмасман. Жонли одам бўлгим келади. Улфатларимга қайтиб, шўх аския айтишиб қаҳ-қаҳ урсам, таниш гўзалларни тушимда кўрсам, лола сайлида ёмғирда қолиб кетсам, эрталаблар ток қайчи олиб ҳовлига чиқсам, машинаю телефонларнинг овози ўчса, амалдор хўжайинларнинг юзини кўрмасам дейман. Нима керак ўзи менга — шунинг отини топиб айтолмаяпман, жон биродарлар, ёрдам беринг...

НАВБАТФУРУШ

Қўшнимиз Қумри келинойини кўча-куйда навбатфуруш деб аташадиган бўпти. Йўғ-е... илгарилари сомсафуруш, носвойфуруш деган лақаблар бўларди, буниси... Товба, аёл кишини-я,... Яраш-мас экан. Балки новвотфурушдир. Йўқ, гап шунда-да, навбат, навбатфуруш.

Тарихи бундай бўлган.

Икки йилча аввал, кунлардан бир кун Қумри келинойи одатдагидай азонда туриб, тўрхалтасини олди-да муюлишдаги универсамга чиқди. Универсам деганн, харидорлар ўз-ўзига хизмат қиладиган магазин. Яъни, ҳамма нарсани ўзингизга ишониб қўйган, кўнглингиз ўссин, деб. Бунинг тарбиявий аҳамияти бор. Ҳамма ишни ўзингиз билиб қиласиз: аввал магазин очилишига эшик тагида навбатга турасиз, кейин пештахта олдидаги навбатда, сўнгра пул тўлаш учун кассага, энг охири, чиқаверишда патта текширадиган кампирга навбатда турасиз. (Негадир бепул ишлайдиган шу кампирнинг олдидан ўтиш айниқса оғир: одамнинг кўзига «ҳа, ўғри, қўлга тушдингми!» дегандай ўқрайиб қарайди, орингиз келиб кетади).

ИККИ СУРАТ

Асқад Мухтор

Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси

Тонг энди оқарган бўлса ҳам, Қумри келинойи оғриқ оёғини судраб магазинга етиб келгунича эшик олдида анча узун навбат беун ғимирлаб қолган экан. Одатда, бугун нима берилишини суриштирмасданоқ аввал навбатга турилади. Чунки, ё гўшт, ё қатиқ, ё шакар — қайси бири бўлса ҳам барибир ҳеч ким орқасига қайтмайди. Бир пасдан кейин маълум бўлди: бугун қатиқ экан. «Кефир» дейилади бу магазинда, қатиқ деганни савдо ходимлари тушунмайди. Кефир бўлгани яхши бўлди, Қумри келинойининг пули ҳам шунга яраша эди. Навбат ҳам илдамроқ силжийди. Бўлмаса, негадир оёғи яна оғриб турибди. Бўғинларига туз йиғилган, битта тиззаси букилмайди. Буниси гўрга, судраб ҳам юраверади, лекин ҳар замонда зирқирагани ёмон. Атрофдагилар билмайди, ҳамма ўзи билан ўзи овора, ғовур-ғувир. Шаҳарнинг бутун янгиликларини шу навбатда эшитасиз. Маҳаллада кечаси кимнидир «Тез ёрдам» келиб олиб кетибди. Саккизинчи қаватда турадиган Арон сартарош яна Исроилдан қайтиб келганмиш... У қулоғингиз буни эшитса, бу қулоғингиз уни эшитади. Худди приёмникда радио тўлқинларини қидиргандагидай, бир зумда мавзу ўзгариб, гоҳи бешолти хил гап чалкашиб кетади.

Навбатда туппа-тузук силжиб турибдию, оёқнинг зирқирагани чатоқ: оғриқ суякдами, томирдами, иликдами — билиб бўлмайди, эрталабки совуқ ўтди чоғи. Ўтирадиган жой ҳам йўқ. Ичкарига тезроқ кириб олса, балки, босиларди.

Орқадаги новча одам уялмай-нетмай нуқул хотинини мақтайди, тағин одамларнинг бошидан ошириб анча наридаги ошнасига мақтанади: сира урмаганмиш, ҳатто маст пайтида ҳам қўл теккизмаганмиш. Фазилатингдан ўргулдим...

Ичкарида ҳам оғриқ босилмади. Кефиридан кечиб кетиб қолай деса, уйда Мошхон интиқ. Кўзи тўрт бўлиб остонада ўтирибди.

Пештахтагача ўн беш киши қолганда иккита «участник» келиб қолди, бири саҳар-мардондан «отиб» олибди. Улар ҳар беш кишидан кейин навбатсиз олишга ҳақли. Нега беш киши, нега уч эмас, ўн эмас... қаерда ёзилган экан бу қонун? Ҳойнаҳой бир амалдорнинг оғзидан чиқиб кетгану, расмга айланган-да. Ану ширакайфи ҳеч қанақа «участник» эмас, уруш вақтида военкомат эшигида қоравул бўлиб ишлаган экан. Қумри келинойининг раҳматлик эрига маст пайтида ўзи гапириб берган. Керилишни қаранг. Ҳайдар ака бечора бир марта навбатсиз гўшт ололмай ўлиб кетди. Ор биларди ўзига, ори билан кетди, эллик икки сўм нафақаси қолди Қумри келинойига. Булар бўлса юрибди, қутуриб.

Навбат яна нимагадир тўхталиб қолди. Қумри келинойининг ёнгинасида бир букироқ чол пайдо бўлиб, бир шишагина кефир олишни илтимос қилиб майда узатди. Овози жуда мулойим экан, ожиз жилмайиб, «неварамга» деганида Қумри розилик берганини билмай ҳам қолди.

Бироқ оёғи қурғур яна тутди, узоқ тикка турганиданми, қараса — чидаб бўлмайдиган. Ёнидаги хотинга арзини айтиб, «кетақолсаммикин?» дебди, у меҳрибонлик билан жеркиб берди: «қирқига чидаб, бирига қолганда-я! Қанақа хотинсиз, ўргилай!» Қумри ўзи ҳам кетгиси йўқ, Мошхон кўз ўнгида, қуруқ қўл билан қандай кириб боради? Мошхон ёлғиз ҳамхонаси, худди одамдай маъноли қарайди кўзларингга. Уни ўйлаганида сал ҳаёли чалғидию, кейин яна оғриқ тутди. Ҳалиги қариядан пул олиб қўйгани ҳам ортиқча бўлди. Унга нима дейди?

Олдидаги одамларни яна бир санади. Саноқдан адашди, қандайдир ғовур бўлаётган эди, қулоғига ҳеч гап кирмади.

Йўқ, ортиқ тоқат қилолмайди, силласини қуритиб, юрагига ўтиб кетди оғриқ. Баридан воз кечиб кетишга аҳд қилди. Лекин энг қийини ҳалиги қариядан узр сўраш эди. Чол букчайганича, умид билан, бир чеккада турган экан.

— Синглим, мен турақолай ўрнингизга, орқадагиларга айтинг, — деб мулойимгина илтимос қилди. Қумри келинойи навбатдагиларга тушунтириб, чолни ўз ўрнига қўйди-да, чақасини қайтариб бериб тезроқ жўнамоқчи бўлди. Аммо қария пул олмади.

— Раҳмат, синглим.

Қумри келинойи пулни унинг қўлига суқар, чўнтагига солмоқчи бўлар, чол эса олмасди.

— Арзимаган чақа, сиз менга яхшилик қилдингиз, дея шивирлади.

Оғриққа чидаёлмай турган Қумри қўл силтаб жўнаб қолди. Оёғини судраб босар, Мошхонни ҳам ўйламас, чолни ҳам унутган эди.

Ҳовлига базўр етиб бориб, зинапояга чўкди. Ўтирса, сал ётиб турса босилади жонивор. Тиззасини уқалаб ўтириб анча ўзига келди. Шундагина чўнтагидаги бегона пул ёдига тушди. Санаса қирқ тийин экан. Ҳа, нима бўпти, чолнинг пули бор шекилли-да. У ҳам яхшилик қилди-ку. Қирқ тийин — бир коса сут. Мошхон билан иккаласига етиб ошади.

Эртасига саҳар туриб сутга чиқди. Навбати эшикка яқинлашганда маълум бўлдики, бугун сут йўқ, гўшт берар экан. Нима қилишини билмай иккиланиб турганида кечаги қария илжайиб келиб салом берди.

— Неварамни боғчага узатмасдан келолмайман, яна кечикдим, — деди майин овоз билан, — нима берар экан?

— Гўшт, — деди Қумри ерга қараб.

— Оласизми?

— Сутга деб чиққан эдим, гўштга пулим йўқ.

— Мен турақолай ўрнингизга... — деди чол.

Қумри келинойи оёғини судраб четроққа чиқаркан чол унинг чўнтагига чақа ташлаб қўйди.

— Сиздан угина, биздан бугина... хафа бўлманг, — деди шивирлаб, беорроқ илжаяркан.

«Майли беор экансан, берсанг олавераман», деди Қумри ичида ва жўнаб қолди.

— Навбатни сотдим, Мошхон, сут йўқ, — деди у остонада мушугини қўлига олиб, — майли, ширгуручни эртага қиламиз, пул бор.

Чўнтагини ковлади, чол бу гал ўттиз тийин ташлаган экан, кечаги билан етмиш бўлди. Энди ўзидан сал қўшса ярим кило гўштга ҳам қурби етади.

Бир куни навбатда турса, бир нотаниш хотин келиб «навбатингизни сотмайсизми?» деб қолди. Хойнаҳой, букри чол оғзидан гуллаб қўйган.

— Хўп! — деди Қумри ўчакишиб, юзсиз хотиннинг кўзига тикилганча. Пулини олди-да, ўзи орқага ўтиб янгитдан навбатга турди.

Деярлик кунига шундай бўларди. Миш-миш тарқаб кетди шекилли, Қумри келинойининг ўз «жазманлари» пайдо бўлди. Кимдир келади-да, кўзига савол назари билан қарайди. Қумри йўқ демайди. Нима қилсин, қуш уйқу бўлиб қолган, азонда уйғониб кетади, бошқа иш йўқ, пастга тушиб навбат олади, харидор чиқса чиқади, ҳарна чойчақа, чиқмаса... Йўқ, бу беминнат ишдан нафақага мадад келиб қолди, ҳатто ойнинг охирги ҳафтаси ҳам гоҳо гўшт қайнатиш мумкин. Орқаворатдан «Навбатфуруш» дейишса нима бўпти? Бу хилда одамларнинг ҳожатини чиқариш яхшими-ёмонми, ҳали маълум эмас. Навбатфурушликка қарши қонун чиққанича йўқ-ку...

СПОРТ

ХОККЕЙ:

ҒОЛИБ АНИҚЛАНДИ

● ФИНЛЯНДИЯДА бир неча кундан бери давом этаётган Европа чемпионати ғолиблари аниқланди. Совет хоккейчилари учрашувларни кўтаринки руҳда ўтказиб, 6 ғалаба, 1 дуранг натижа билан 13 очко тўплаган ҳолда қитъа чемпиони бўлишди. Швеция, Финляндия жамоалари иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди. Энди жаҳон чемпионлиги учун ҳал қилувчи баҳслар бўлади. Кеча СССР—АҚШ ва Канада—Швеция жамоалари ўзаро куч синашдилар. Эртага Швеция—АҚШ ва Канада — СССР хоккейчилари майдонга тушадилар.

ФУТБОЛ:

МАВҚЕЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНДИ

● БИРИНЧИ лигада дастлабки мавсумни ўтказаётган Фарғона водийси футболчилари ўзига хос синовдан муваффақиятли ўтишга интилмоқдалар. Наманганнинг «Навбаҳор» жамоаси яна бир ғалабага эришиб, 7 очко билан тўртинчи ўринга кўтарилди. Улар Нижний Новгород темир йўлчиларини қабул қилиб, дарвозага иккита жавобсиз тўп киритдилар. Фарғонанинг «Нефтяник» жамоаси ҳам очколарини 5 тага етказди. Майдон эгалари «Шинник» футболчиларидан 3:1 ҳисобида устун келишди. Чемпионатда «Тилигул» 10 та очко билан пешқадамлик қилмоқда.

ШАХМАТ:

СОВРИНДОР БЎЛДИ

● ЛЬВОВ шаҳрида СССР кубоги учун тезкор дона суриш бўйича баҳслар бўлиб ўтди. Мусобақада гроссмейстер ва халқаро мастерлар ҳам қатнашди. 34 нафар шахматчи орасида самарқандлик Тоҳир Воҳидов ҳам бор эди. У 11 тур ўйинларидан 8,5 очко тўплаб, ғалаба қозонди.

СПОРТЛОТО

● **17-тиражда қуйидаги ютуқли рақамлар қайд этилди. «45 дан 6»: 8, 11, 13, 14, 37, 42. «36 дан 5»: 10, 15, 18, 21, 34.**

«Совет Ўзбекистони»нинг навбатдаги сони 4 майда чиқади.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

БИР НИГОҲ ТАШЛАГАНДА

Нигоҳий табиб Абдуғаффор Абдуллаев Ўзбекистон жумҳуриятида биринчи маротаба шифокорлар билан беморларнинг илтимосларига кўра Собир Раҳимов район 4-поликлиникаси қошида ва илмий-техникавий фаолият кўрсатувчи, энергиянинг ғайри расмий манбалари ва социал фаолликни жорий этувчи маҳсус марказ (ИТЭНСФ)нинг қошида ўз сеансларини олиб боради.

БЕМОРЛАРНИ 6 МАЙ 1991 ЙИЛДАН ҚАБУЛ ҚИЛИШ БОШЛАНАДИ.

Сеанс олдидан беморлар шифокорлар кўригидан ўтказилади. Сеанс тугагандан сўнг бемор яна қайта шифокор кўригидан ўтади.

Бунда сиз бош оғриғи, оёқ-қўл оғриғи, нафас сиқиши, қон босими, тунда сийдик ушлай билмаслик, ҳафа қонлик, юрак санчиши ва юрак ўйнашига ва бошқа касалликлардан шифо топасиз.

Сеанс 7 ва 9 кишидан иборат олиб борилади.

Сеанс ҳар куни соат 9.00 дан 13.00 гача Собир Раҳимов район, Сағбон кўчаси, 1-уй, 4-поликлиникада олиб борилади 1, 18, 24-троллейбуслар; 42, 43, 65, 100-автобусларнинг «Эски жўва» бекати.

«ИТЭНСФ»нинг қошида эса сеанслар ҳар куни соат 17 дан 19.00 гача олиб борилади.

Тошкент шаҳар, Обсерватория кўчаси, 83-уй (13, 89-автобуслар; 3, 23-трамвайларнинг «Гидрометцентр» бекати).

Телефон орқали мурожаат қилишингиз мумкин: телефон 35-75-54.

ТАШКИЛОТЛАР, КОРХОНАЛАР ВА ШИРКАТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

Ташкилот шаҳар ижроия комитетининг «Ресурс» хўжалик ҳисобидаги бошқармаси «Канон» ФС-2, ФС-3, ФС-5 нусха кўпайтириш техникаси учун картриджларга хизмат кўрсатиш ва уларни кукун билан тўлдириш юзасидан хизмат кўрсатади.

Хизматлар учун минтақадаги энг қуйи нархлар бўйича ҳақ тўланади.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Чилонзор даҳаси, 22-мавзе, 13-уй.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 74-80-29, 74-63-00, 74-71-12.

Факс: 74-89-06.

«РЕСУРС» ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ БОШҚАРМАСИ.

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.
ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-09.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 5381.

№ 84. ● Узбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП. Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12